ЭРТАГА МОСКВАДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ОЧИЛАДИ

Пленум қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш масаласини муҳокама қилади

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 45 (2078). | 4 март, якшанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

XXII съезд қарорларини амалга оширамиз



Чиноз районидаги «Москва» колхозининг механик-ҳайдовчиси Турсуной Йўлдошева ва «XXI партсъезд» колхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Турсуной Раймова ўртоқлар ўтган йили машина терими да қувончли натижаларга эришдилар. Уларнинг бу йилги аҳдлари яна ҳам юксак. Пахта ҳосилдорлигини ошириш ва машинада «оқ олтин» териб олиш йўлида ҳозирдан пухта тайёргарлик кўраяптилар Суратда: (чапдан) Турсуной Йўлдошева ва Турсуной Раймова ўртоқлар. А. Абалян фотоси.

КАМИДА 25 ЦЕНТНЕР УЧУН

Районимиз пахтакорлари ўтган йили пахта тайёрлаш планини шараф билан бажардилар. Давлатга 49 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилди. Ҳар гектар ерда 1958 йилдагига нисбатан 6 центнердан кўп «оқ олтин» етиштирилди. Бу рақамлар биз учун катта ғалаба бўлди. Чунки районимизда 14 йил муттасил пахта тайёрлаш плани бажарилмаган, колхоз хўжаликларининг экономикаси анча оқсаб қолган эди. Ўтган йили колхозлар экономикасини мустаҳкамлаш, колхозчилар ва совхоз ишчиларини пахтачиликни ривожлантиришга рағбатлантириш йўлида кескин бурилиш ясалди.

Биз бу муваффақиятларга қандай қилиб эришдик? Маълумки, ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ. Техникани бошқарувчилар ҳам, ердан унумли ҳосил олувчилар ҳам кадрлар. Район партия комитети ва район ижроия комитети ана шуни ҳисобга олган ҳолда одамлар билан ишлашга алоҳида аҳамият берди.

Энг олдин биз район меҳнаткашларига мурожаат қилдик. Мурожаат район газетасида эълон қилинди.

Райондаги сайловчилар рўйхатида 44 минг киши бор. Колхозларнинг йиллик ҳисоботида 14 минг киши ишлагани кўрсатилади. Аммо далада ишловчилар сони бундан анча кам бўлар эди. Турли баҳоналар билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашмаётганлардан анчагина қисмини дала ишларига сафарбар этиш билан ишда жиддий бурилиш бўлишига ишонар эдик. Шу сабабли ҳам мурожаатни қабул қилиш билан кифояланиб қолмасдан, Бектемир, Ўртасарой, Кучлик, Тўйтепа каби қишлоқларда зонал кенгашлар ўтказдик. Район партия ва совет ходимлари ҳамда қишлоқ активлари бу кенгашларга кўпроқ колхоз ҳисобида турса ҳам ишламай юрган кишиларни жалб этишга сафарбар қилинди.

Бу тадбир яхши натижалар берди. Икки мингдан ошиқ киши ихтиёрий равишда далага чиқиб ишлашга енг шимарди. Биргина «XXII партсъезд» колхозида 200 га яқин кекса пахтакорлар ўз колхозларини қолоқликдан чиқариш учун мададга келдилар.

Ўтган йили ўтказилган иқтисодий конференция навбатдаги қиладиган ишларимизни нимага қаратиб олиб бориш зарурлигини аниқлаб берди. Конференцияда экономистлар, агрономлар ва қишлоқ хўжалигининг бошқа мутахассислари барча колхозларнинг иқтисодий имкониятлари ва хўжалик фаолиятини атрофлича таҳлил қилиб, ишимизга катта фойда келтирдилар.

Конференция тавсияси ва новаторлар кенгаши таклифлари асосида барча колхозларнинг бригада бошлиқлари қайта кўриб чиқилди. Айрим колхоз раҳбарининг ўрнига ишбилармон, қобилиятли янги раислар сайланди. 179 та бригаданинг 49 тасига кўп йиллик тажрибага эга бўлган механизаторлар бошлиқ қилиб қўйилди. Энгельс номли колхоздан Бўрибой Рихсиев, Карл Маркс номли колхоздан Карим Юсупов, «Ленин йўли» колхозидан Аҳмаджон Болтабоев, «Полярная звезда» колхозидан Солиҳ Суяров, Николай Ли ва Куйбишев номли колхоздан Мурод Қулменов сингари ўртоқлар трактор-далачилик бригадаларига раҳбарлик қилиб, юқори ҳосил етиштирдилар. Биз бу йил ҳам далачилик бригадалари ва звеноларига раҳбарлик қилиш учун механизаторларни кўпроқ жалб этдик.

Кўп йиллардан буён районимизда мелиорация ишлари деярли ўтказилмас эди. Ўтган йили 12 та экскаватор билан зовурлар тозаланди, 597 минг кубометр ҳажмидаги иш бажарилди. Бу соҳада эндиликда янада яхши натижаларга эришмоқдамиз. Охунбоев номли, Ленин номли, Энгельс номли, Куйбишев номли колхозлар ва Киров номли совхоз ерларидан захни қочириш ва ҳосилдорликни ошириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Районимиз меҳнаткашлари бу йил ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни камида 25 центнерга етказишга, яъни 1961 йилдагига нисбатан ҳосилдорликни умуман 2,2 центнер оширишга сўз бергандар. Зиммамиздаги масъулият биздан ҳар қачонгидан унумли меҳнат қилишни талаб қилади. Буни районимиз пахтакорлари, барча коммунистлари яхши тушунишади. Шу сабабли ҳам улар ҳозирги кунларнинг ҳар бир минутидан унумли фойдаланиб, бир гайратга ўн гайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Биз ўтган йили қўлга киритган ютуқларимизда мусобақадошларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида қайд қилиб ўтмоқчимиз. Чунки улар районимиз колхозларида ўзаро текшириш ўтказиб ва ишимиздаги камчиликларни ўз вақтида кўрсатиб, бизга яқиндан ёрдам қилган эдилар. Бу йил ҳам мусобақадош Оққўрғон райони меҳнаткашлари билан ҳамкорликни кучайтирамиз.

Яқинда мусобақадошларимиз билан ўзаро текшириш ўтказилди. Текшириш яхши натижа берди. Айрим колхозларнинг раҳбарларида ва бўлимларнинг бошлиқларида ноўрин мағрурланиш кайфияти мавжуд эканлиги аниқланди. Бир қатор хўжаликларда кўклам экишига тайёргарлик ишлари суст эканлиги маълум бўлди. Бундай камчиликларга тезроқ барҳам бериш мақсадида ана шу хўжаликлар иши билан жиддий шуғулланмоқдамиз.

Ўтган йили минг гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилган эди. Бу йил 1600 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш учун тайёргарлик кўрилаётир. 360 агрегат мавсумга тайёрланди, экипажларнинг аъзолари билан системали равишда амалий машғулотлар ўтказилаётир.

Кўкламга тайёргарлик кўришда энг муҳим тадбирлардан бири сув проблемасидир. Биз бу йил сув танқислигини енгиш мақсадида ҳозирдан бошлаб тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ўтган йили районда 10 та артезиан қудуғи бор эди. Эндиликда уларнинг сони 25 тага етказилди, 136 та насос ўрнатиш учун тайёргарлик кўрилаётир.

Районимизнинг азамат меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни ривожлантириш ҳақидаги чақириқларига амалий иш билан жавоб бериш учун бу йил мамлакатга камида 50 минг тонна пахта етказиб берамиз, деб аҳд қилганлар. Шубҳа йўқки, юксак мажбуриятимиз шараф билан бажарилди. Бунинг учун бизда барча шарт-шароит мавжуддир.

Олим БЕРДИЕВ.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. ХРУШЧЕВнинг А. Фанфани ва Абубакар Т. Балевага МАКТУБЛАРИ

Италия Министрлар Совети раиси А. Фанфанининг ва Нигерия бош министри Абубакар Т. Балевани қуролсизланиш билан шуғулланувчи 18 давлат комитетининг иши энг юксак доирада: даллатларнинг ёки ҳукуматларнинг бошлиқлари иштироки билан бошлансин, деган Совет ҳукуматининг таклифига берган жавоблари муносабати билан уларга СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев мактублар йўллади.

* * *

Жаноб Фанфанига юборилган мактубда Н. С. Хрушчев давлатларнинг энг масъул раҳбар арбоблари бу музокараларни тегишли йўлга солиб юбормоқ учун шу музокаралар бошланиши билан унда қатнашишлари мақсадга мувофиқ бўлади, деган фикрни изҳор қилади.

Совет ҳукумати бошлиғининг мактубида айтиладики, жаноб Фанфанининг энг юқори мартабадаги давлат арбобларининг қуролсизланиш юзасидан музокараларда қатнашувини шу музокараларда «мушкуллик туғилган ёки якунлаш пайти келган» вақтга қолдирилсин, деган таклифига қўшилиш қийин. Шуни очиқ айтишим керакки, деб ёзади Н. С. Хрушчев, масалага бундай қарашдан бирор яхшилик чиқади, деб қутиш қийин гап.

Н. С. Хрушчев мактубида айтиладики, қуролсизланишга бағишланган музокаралар сингари қийин ишда кўп нарса комитетнинг тўғри иш бошлаб юборишига боғлиқдир. Энг юксак даражадаги давлат арбоблари, дейилади мактубда, комитетдаги музокаралар бошланиши биланоқ, бу музокаларни тўғри йўлга солиб юбормоқ учун катта имкониятларга эгадирлар.

СССР Министрлар Советининг Раиси шу нарсага эътиборни жалб қиладики, қуролсизланиш ҳар бир давлатнинг ҳаётий манфаатларига — шу давлатлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасига тааллуқли ишдир, ҳозирги халқаро вазиятда ҳамма бу соҳани бегоналар кўзидан узоқроқ қилиб сақлашга интилади.

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА).

Қишлоқ хўжалигига раҳбарликни янада яхшилайлик!

Эртага, 5 мартда Ватанимиз пойтахти азиз Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми очилади. Партиямиз тарихий XXII съезди қарорларини амалга оширишда муҳим босқич бўладиган бу пленум «Қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасида партиянинг вазифалари» ҳақидаги масалани муҳокама қилади. Бу ҳақда Пленумда Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклад қилади. Масаланинг бу тарзда конкрет қилиб қўйилиши партиямиз Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигини ишнинг кўзини биладиган, жонкуяр, ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамлаш масаласига нақадар катта эътибор бераётганлигининг яққол далилидир.

Партия кейинги йилларда дон, чорвачилик маҳсулотлари ва техника экинларининг кўпроқ етиштирилишини таъминлайдиган жуда катта ва муҳим тадбирларни амалга оширди. Бу лардан энг муҳими колхоз ва совхозларни ишбилармон, ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида кўрилган тадбирлардир. Қозоғистон, Сибирь, Волга бўйи, Урал ва бошқа шарқий р а й о н л а р н и н г бепоён д а ш т л а р и д а қарийб 42 миллион гектар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди. Бунинг натижасида доннинг ялпи ҳосили йилига 8—8,5 миллиард пудга етди. Кейинги тўрт йил ичида асосан жамоат хўжалигини ривожлантириш ҳисобига қорамол туёғи 15 миллион, чўчқалар сони 22 миллион кўпайди. Ўтган йили аҳолига 1957 йилдагига нисбатан 1,7 баравар кўп сут ва сут маҳсулотлари, 1,5 баравар кўп гўшт маҳсулотлари, 1,7 баравар кўп тухум сотилди.

Республикамиз, жумладан областимиз қишлоқ хўжалиги тез суръатлар билан юксалмоқда. Республикамиз Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Пахтакор республикалар қишлоқ хўжалик ходимларининг 1961 йил ноябрь ойида Ўртоқ Н. С. Хрушчев иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган кенгаши пахтачиликни, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш масаласини кўйди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев «оқ олтин»нинг мамлакатимиз экономикасида тутган бебаҳо ролини алоҳида таъкидлаб, пахтага кенг йўл бериш керак, йигирма беш центнердан кам ҳосил оладиган бирорта ҳам хўжалик қолмасин, деб ўртага жанговар шиор ташлади. Шу билан бирга республикамизда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини, айниқса чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш кераклигини кўрсатди.

Республикамиз, жумладан областимиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик ходимлари кенгаши кўрсатмаларига, Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг оқилона маслаҳатларига амал қилиб, қишлоқ хўжалигини, унинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни юксалтириш йўлида пухта тадбирларни амалга ошираяптилар.

Аммо шуни айтиш керакки, колхоз ва совхозлар машина ва ўғитлар, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган бошқа асбоб-ускуналар билан етарли таъминланган тақдирда ҳам, ишлаб чиқаришда ташкилотчи, ишнинг кўзини биладиган жонкуяр кадрлар бўлмаса муваффақият қозониб бўлмайди. Машиналарни ишга соладиган, ўғитларни билиб сарф қиладиган, далаларга нима экишни оқилона планлаштирадиган, ерни яхши боқиб, семиртириб, ундан мўл ҳосил олишни таъминлай оладиган кишилар — малакали кадрлар керак.

Юқори Чирчиқ районининг қишлоқ хўжалик ходимлари ўтган йили пахта тайёрлаш давлат планини ҳаммадан олдин ошириб бажардилар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам ҳамма кўрсаткичлар ошириб бажарилди. Райондаги «Политотдел», «Правда», «III Интернационал» ва бошқа хўжаликлар айниқса юқори ҳосил кўтардилар. Улар бу муваффақиятга қандай қилиб эришдилар? Уларда ер яхшими, ёки техника кўпми? Ваҳоланки бошқа районларда ҳам техника, куч етарли-ку! Бунинг асосий сабаби хўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилабилишда, меҳнатни тўғри ташкил этабилишда. Юқори Чирчиқ район партия комитети ва унинг биринчи секретари ўртоқ М. В. Ким район экономикасини ривожлантиришга ҳар тарафлама яхши раҳбарлик қилиб келяпти.

Еки бўлмаса Янгиер шаҳрини олиб кўрайлик. Ўтган йили янгиерликлар жуда оғир қийинчиликларни енгиб, п а х т а тайёрлаш планини муваффақият билан бажардилар. Янгиернинг ери билан ери туташган Гулистон, Комсомол, Бекобод районлари бўлса планни бажара олмадилар, ўз сўзларининг устидан чиқаолмадилар. Демак, ҳамма гап партиявий раҳбарликда, ишнинг кўзини билишда.

Бу йил олдимизда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Биз севикли Ватанимизни пахта билан тобора кўпроқ таъминлашимиз керак. Бу бизнинг энг биринчи интернационал бурчимиздир. Республикамиз қишлоқ хўжалиги ходимларининг февраль ойида бўлиб ўтган кенгаши етти йилликнинг тўртинчи йили марраларини белгилаб берди. Етти йилликнинг тўртинчи йилида Ватанга 3 миллион 350 минг тонна, областимиз бўйича эса 500 минг тонна пахта етказиб беришимиз лозим.

Коммунизм миллионларнинг ижодий меҳнати самарасидир. Коммунизм — мўл-кўлчилик, гўшт, сут, ёғ, жун, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кишилар эҳтиёжини тўла қоплайдиган қилиб вужудга келтириш демакдир. КПСС XXII съезди қарорларида, коммунизм қуриш Программасида бу айниқса равшан кўрсатиб берилган.

Программани амалга оширувчи, моддий бойликлар яратувчи, коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтирувчи, коммунизм қурувчи халқ оммасидир.

Партия ташкилотлари оммаларнинг ана шу ҳаракатга бошчилик қилишлари, ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтириб юборишлари лозим.

Мамлакатга тобора кўп гўшт, ёғ, сут, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берайлик.

Коммунистик мўл-кўлчилик учун!

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ НЎХАТ ЭКИШГА КИРИШДИ

ЯНГИБОЗОР, 2 март. (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг меҳнаткашлари нўхат экишга киришдилар. Бу ерда нўхат баҳорикор ва суғориладиган ерларга экилмоқда. СССР Олий Совети депутатлигига номзод Любовь Ли бошлиқ бригада дастлабки тўрт гектар майдонга нўхат экди.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ — ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ

Аввалларги колхозчиларга меҳнат кунн ёзилар эди. Далада ишлаётганлар кўп меҳнат кунига эга бўлиш учун интилиб, ишнинг сифати билан қизиқмас эдилар, кўп меҳнат кунига эга бўлсак, кўп ҳақ оламиз, деган нотўғри фикрга берилиб кетган эдилар.

Ахир, қанча кўп меҳнат сарф қилинса етиштирилган ҳосилнинг таннарҳи шунчалик ошиб кетадику. Бўлар-бўлмасга пайкални чангитиб трактор билан уёқдан-буёққа юраберишнинг нима фойдаси бор. Деҳқонларимиз ғўза қатор ораларига мунча марта ишлов бердик, мунча марта озиқлантирдик дердилар-у, етиштирилаётган ҳосилнинг сифати, таннархи билан қизиқмасдилар. Натижада нима бўлар эди денг? Йил охирига бориб етиштирилган ҳосил қимматга тушарди, деҳқонларнинг қўлига тегадиган даромаднинг баракаси бўлмасди. Бунинг устига йиллик даромад бирга қўшилиб, ҳамманинг меҳнат кунига баббаравар тақсим қилинарди. Бундай ҳолларда ёз бўйи ҳалол меҳнат қилган баъзи деҳқонлар орасида норозилик пайдо бўларди.

Хўжалик ҳисоби — энг тўғри йўлдир. Бу нима дегани? Бу ҳар ким қилган меҳнатига яраша ҳақ олади, демакдир. Қайси бир деҳқон ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилса, планда белгиланганидан кўп ҳосил кўтарса, ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағнинг бир қисмини тежаб қолса, унинг моддий манфаатдорлиги шунчалик ортади. Бини қуйидаги мисолдан яққол кўришимиз мумкин. 1960 йили Ўртоқ Қ. Қўлдошев бошлиқ бригада пахтакорлари 40 гектар ерга чигит экдилар. Улар бир центнер пахта етиштириш учун тўрт меҳнат куни сарфлаб, 1380 центнер ҳосил кўтаришлари керак эди. Ўша йили уларга меҳнат куни ёзилди. Натижада бир центнер пахта етиштириш учун беш меҳнат куни сарф қилиниб, 1100 центнер ҳосил кўтарилди, холос. Кўрниб турибдики, 660 меҳнат куни ортиқ сарф қилиниб, пландагидан кам ҳосил кўтарилди. Колхозчиларнинг оладиган даромади ҳам пасайиб кетди.

Ўтган йили Ўртоқ Қўлдошев ўрнига ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қиладиган Ўртоқ Т. Қудабоев бошлиқ қилиб тайинланди. У ишни хўжалик ҳисобига кўчишдан бошлади. Бу тадбирни колхоз правленнеси қўллаб-қувватлади.

Бригаданинг азамат механизаторлари техникани кўз қорачиғидай сақлаб, ундан унумли фойдаландилар. Озиқлантириш билан ғўза қатор ораларига ишлов беришни бирга кўшиб олиб бордилар. Улар тўрт марта ишлов бериш ўрнига уч марта юксак агротехника қоидалари асосида ишлов бердилар. Шу билан бирга кўплаб ёнилгини тежаб қолишга эришдилар. Ишни сифатли бажарган механизаторлар ўз вақтида моддий рағбатлантириб турилди. Ҳар 15 кунда иш ҳақининг 70 проценти ойлик тарзида бериб борилди.

Бригаданинг аҳил деҳқонлари ҳар гектар ердан пландаги 35 ўрнига 38,3 центнердан «оқ олтин» кўтардилар, яъни улар планда белгиланганидан 131 центнер кўп пахта етиштирдилар. Бу — 6105 сўм ортиқча даромад қилинди, демакдир. Шу билан бирга улар ишлаб чиқариш учун ажратилган 15106 сўм пулнинг 5156 сўмини тежаб қолдилар.

Йил охирига бориб бу бригада аъзолари ишлаб чиқаришга ажратилган маблағдан тежаб колинган ҳамда белгиланган пландан ортиқча етиштирилган ҳосиллари бадалига 50 процент кўшимча ҳақ олдилар.

Етти йилликнинг тўртинчи йилида она-Ватанга мўл-кўл пахта етиштириб бериш учун ҳозирдан бошлаб астойдил курашаяпмиз. Биз энг арзон пахта етиштириш билан бирга деҳқонларимизнинг моддий манфаатдорлигини оширишнинг энг тўғри йўли бўлган хўжалик ҳисобита тўла ўтамиз.

У. НОРМАТОВ,

Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозининг бош бухгалтери.

МУВАФФАҚИЯТ КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ

Бундан 5 йил илгари «Гулистон» совхози территориясида 300 гектар пахта майдонига эга бўлган битта колхоз бор эди. Шу колхоз базасида 1957 йили янги совхоз ташкил этилди. Шундан кейин янги ерлар очишга катта эътибор берилди. Чакалакзор, ботқоқликлар ўрнида йирик пахта далалари вужудга келтирилди.

1957 йили совхоз янги ва эски ерлар бўлиб 900 гектар майдонга чигит экди. Катта қийинчиликлар билан ҳар гектар ердан 9 центнердан ҳосил олинди. 1961 йили эса янги ерлар ҳисобига экин майдони салкам 6 минг гектарга, пахта майдони эса 3.300 гектарга кенгайтирилди. Табиий офат натижасида ҳосили йўқотилган айрим карталарни ҳисобга олмаганда, ҳар гектар ердан 16,4 центнердан ҳосил олинди. Бу ҳали жуда паст кўрсаткич, албатта. Бироқ, ҳар йили 600—700 гектардан янги ерга чигит экилгани, кўп майдонларнинг шўрлиги ҳисобга олинса, совхоз пахтакорлари катта иш қилаётганлиги маълум бўлади.

1962 йилда совхоз коллективи олдида катта вазифалар турипти. 500 гектар янги ерга чигит экиб, пахта майдонини 3.800 гектарга етказамиз. Шундай бўлса ҳам ҳосилдорликни ўтган йилдагидан камайтирмаймиз, аксинча оширамиз. Техникадан кенг фойдаланиб, ҳосилнинг таннархини камайтирамиз. 1961 йили 1.730 тонна пахта машинада терилган эди. Бу йил 3 минг гектар ерни машина теримига ажратдик. Механизаторлар салкам 4 минг тонна пахтани йиғиб бердилар. Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси қоп-қанорсиз ташилади.

Бу йил кадрларни жой-жойига қўйиш соҳасида анча ишлар қилинди. Ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажаролмаган бригада бошлиқларидан Раззоқ Худойдотов, Шарофиддин Маматқулов ўртоқлар ишдан олиниб, пахтачилиқ бригадаларига оддий ишчи қилиб юборилди. Айрим маълумоти кам агрономлар малакали кадрлар билан алмаштирилди.

Ҳалол, сидқидил ишлайдиган кишиларимиз қаторида ўртоқ Жумабой Умировни кўрсатиш мумкин. 1960 йили у ферма мудири эди. Ўз вазифасини яхши бажаргани учун уни 2-бўлимга бошқарувчи қилиб юбордик. 1961 йили бу бўлим пахта тайёрлаш йиллик планини 104 процент бажарди.

Совхознинг 3-бўлими ўтган йили пахта тайёрлаш планини 76 процент бажарди, холос. Бу йил ўртоқ Жумабой Умиров шу 3-бўлимга бошлиқ қилиб юборилди. Ҳозир бўлимда иш яхши. Бу йил 700 гектар ерга чигит, 165 гектар ерга маккажўхори экилади. Шуни ҳам айтиш керакки, бўлимдаги 700 гектар пахта майдонининг 150 гектари янги очилган ердир.

Республикамизда 40—45 центнерчи хўжаликлар ҳаракати бошлангач, бизнинг айрим бўлим ва бригадаларимиз 1961 йилдагидан анча ортиқ мажбуриятлар олдилар. Бу ҳаракатга ўртоқ Ўнсак Носиров бошлиқ бригада биринчи бўлиб қўшилди. Бригада 1962 йили ҳар гектар ердан 30 центнердан, Абдифаттоҳ Жўраев, Жўра Элмуродов ўртоқлар бошлиқ бригадалар 28 центнердан ҳосил олишга қарор қилдилар.

5-бўлимнинг ўртоқ Тилов Дўсназаров бошлиқ бригадаси ишини намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Бу бригада 140 гектар ерга чигит экади. Бунинг 40 гектари илгари сира экин экилмаган янги ердир. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилдилар.

Партия ташкилоти ҳосибида 107 коммунист бор. Буларнинг ярмидан кўпроғи қишлоқ хўжалигида ишлайди. 9 коммунист механизатор. Улар пахта ҳосилдорлигини ошириш соҳасида жонбозлик кўрсатиб ишламоқда. 9 коммунист агрономлик билими билан мўл ва арзон ҳосил етиштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бизда янги ерлар очиш, ернинг мелиоратив аҳволини яхшилаш бўйича махсус отряд тузилган. Бу отрядга ёш инженер Ўртоқ Турди Бобоев бошчилик қилмоқда. Отряд бу йил 300 гектар янги ер очиб, уни экишга тайёрлади. Бу йил отряд планида 8 километр зовур, 15 километр янги ариқ қазиш белгиланган. Ҳозир бу ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Партия ташкилоти коммунистлар билан ишлаш, айрим кадрларни ўқитиш, сиёсий-маориф шохобчаси ўқишини яхши йўлга қўйиш соҳасида системали иш олиб бормоқда. Бу тадбирлар совхозда янги экилган майдонларни йил сайин кенгайтира бориш, пахтачиликда комплекс механизациядан унумли фойдаланиш ва оқибат натижада мўл ва арзон ҳосил етиштиришга самарали таъсир кўрсатмоқда. Катта ишонч билан айтиш мумкинки, биздаги кадрлар 1962 йил вазифаларини бажаришга ҳар томонлама пухта тайёрланган. Улар план ва мажбуриятларни тўла бажаришга ўз ҳиссаларини қўшиб, етти йилликнинг 4-йилини муваффақият билан якунлайдилар.

Р. А. ШИМАКОВ,

«Гулистон» совхози партия бюросининг секретари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛОТЧИ, ТАЖРИБАЛИ КАДРЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

„...агар биз ҳозирнинг ўзида ҳар бир колхозни, ҳар бир совхозни олиб, ундаги кадрларни синчиклаб ўрганиб чиқсак, уларнинг ишни бошқаришга қобилияти борйўқлигини аниқласак, керак бўлган жойда қобилияти яхшироқ кишиларни танлаб олсак, ана шундагина муваффақиятга умид боғлаш мумкин бўлади".

Н. С. ХРУШЧЕВ.



☆ ☆ ☆

МАРРА—ИККИ ЮЗ

Областимиз лубкорлари ҳар йили бу қимматбаҳо техника экинидан мўл ҳосил етиштириб, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Шулар қаторида бизнинг колхоз лубкорлари ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилиб, йилдан-йилга ҳосилдорликни ошириш учун курашмоқдалар.

Ўтган йили колхозимизда луб етиштириш плани ортиғи билан бажарилди. Мен бошлиқ бригадага келганда шуни айтиш керакки, бригадамиз аъзолари партия ва ҳукуматимиз кўрсатмаларини амалга ошираборио, йил бўйи астойдил меҳнат қилдилар. Зиммага олган мажбуриятимизни бажариш учун ҳамма чоралар кўрилди. Биз экишни муваффақиятли ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрдик. Кузда шудгор қилиниб, ўғитга тўйдирилган ерга уруғ экилди. Ҳар гектар ерда белгиланган миқдорда кўчат бўлишига эришдик. Суғориш, культивация ишларини ўз вақтида ўтказиб, мўл ҳосил етиштирдик. Канол поясини ўриш ва ишлиш ишларида бригадамиз аъзолари, тракторчилар ғайрат кўрсатишди. Натижа яхши бўлди, ҳар гектар ердан 192 центнердан кўк поя олиб, колхоз бўйича энг юқори кўрсаткичга эришдик.

Бу йилги маррамиз эса камида 200 центнер. Олган мажбуриятимизни шараф билан бажариш учун кўклам экиш кампаниясига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Ариқ-зовурларни тозалаш ишлари тугалланди. Уруғликни бир текис ундириб олиш ва барча майдонларда зарур миқдорда кўчат қалинлигини таъминлаш ҳамда культивацияни сифатли ўтказишда ерни тайёрлаш катта аҳамиятга эга. Ана шуни ҳисобга олиб биз далаларни текислаш ишларини бошлаб юбордик. Шунингдек парвариш вақтида ишлатиш учун далага кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқармоқдамиз. Техника ҳам мавсумга тахт қилиб қўйилмоқда.

Бу йил колхоз бўйича ҳам ҳар гектар ердан 200 центнердан кўк поя олиш учун кураш бошланиб кетди.

Техникамиз етарли, бригадалар, звенолар ишининг кўзини биладиган кадрлар билан мустаҳкамланган. Тракторчиларимиз, сувчилар, ҳулласи ҳар бир колхозчи ўзига топширилган вазифани шараф билан бажариш учун курашади. Биз ҳосилдорликни ошириб, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда албатта янги ютуқларни қўлга киритамиз.

ЛИ ИР-ЛЕН

Қўйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг бригада бошлиғи.

Шу кеча-кундузда яйловларнинг бир ҳуснига ўн ҳуси қўшилган. Сон-саноқсиз қўй-қўзилар ям-яшил майсаларга бурканган адрларда тўйиб ўтламоқда. Мана бу суратда сиз Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхознинг файзли яйловини кўриб турибсиз. Бош чўпон ўртоқ Жайлов Қолжонов ўз боқимидаги қўйларни эртаю-кеч меҳр билан боқаяпти.

АҲДИМИЗ 40 ЦЕНТНЕР

Ҳозир пахтакорлар ўртасида янги ҳаракат — 40-45 центнерчилар ҳаракати бошланиб кетди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг пахтакор республикалар вакиллари иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда пахта ҳосилдорлигини ошириш тўғрисидаги чақириғига жавобан бу ижобий ҳаракатга биз ҳам қўшилдик. Колхозчиларимиз пахтадан юқори ҳосил етиштиришдек шарафли вазифани ўз зиммаларига олдилар.

Нимага ишониб биз бу ҳаракатга қўшилдик? Бизда шундай юқори ҳосил етиштириш мумкинми? Биз энг олдин меҳнатсевар колхозчиларга, моҳир механизаторларга, миришкор, тажрибали бригада бошлиқларига, умуман колхознинг яхши кадрларига таяниб бу ишга дадил қадам ташладик.

Ўтган йили ҳар гектар ердан колхоз бўйича 36,5 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Айрим бригада ва звено ерларидан янада кўп ҳосил олинди.

Мубор Йўлдошева бошлиқ бригада аъзолари 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 42,4 центнердан ҳосил кўтардилар. Тўрабек Чўпонов бошлиқ бригада аъзолари 41,7, Қурбон Раҳимов бошлиқ бригада аъзолари 38 центнердан ҳосил олиб, катта муваффақиятга эришдилар. Айрим звеноларда етиштирилган ҳосил бундан ҳам юқори бўлди. Ўртоқ Турсунбой Қўролов бошлиқ звенода 47 центнердан, Ўртоқ Ғўлдош Эшонқулов бошлиқ звенода 44,5 центнердан ҳосил олиниши колхозимизда юқори ҳосил етиштириш учун катта имкониятлар борлигини кўрсатди.

Колхоз правленияси малакали кадрларга, уларнинг ташкилотчилик қобилиятларига таяниб, 40 центнерчилар ҳаракатига қўшилди.

Ўртоқ Тўлаган Туропов 25 йилдан бери бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. У тажрибали деҳқон. Ўртоқ Мубор Ғўлдошева эса 7 йилдан бери бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. Юқори ҳосил етиштиргани туфайли унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Агар колхозимизда шундай кадрлар бўлмаганда эди, юқори ҳосил етиштириш тўғрисида хаёл ҳам қилиб бўлмасди.

Колхоз правленияси ҳамиша бригада бошлиқлари билан ишлаб келяпти, уларнинг малакасини ошириш, дам олишларини таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилаяпти. Бу йил ҳам бригада бошлиқлари 15 кун дам олиш уйида бўлдилар ва колхоз кадрларининг малакасини ошириш курсида ўқидилар.

Ҳосилдорликни ошириш учун энг олдин ерни шудгор қилиш керак. Биз кузда 700 гектар ерга 350-400 килограммдан фосфор солиб шудгор қилдик. Ҳозиргача кўзда тутилган 10610 тонна маҳаллий ўғитдан 9000 тоннаси далага ташиб чиқарилди. Ҳамма ариқ-зовурлар тозаланиб бўлди. Ер текислаш ишларини қўл билан эмас, машина билан бажаришни мўлжалламоқдамиз.

Бу йил пахта майдонимиз янги ер ҳисобига 30 гектар кенгайиб 850 гектар бўлади. Шунинг учун биз сув проблемасини ҳал қилишимиз лозим. «М-1», «М-2» ариқларида ўтган йили сув камчил бўлди. Натижада ана шу ариқлардан сув ичадиган баъзи ерларимизда ҳосилдорлик анча камайиб кетди. Бу йил бу камчиликнинг олдини олиш, сув таҳқислигини бартараф этиш мақсадида 1000 метр узунликдаги қувур билан сув келтириш тадбирларини амалга ошираяпмиз.

Мана, навбаҳор ҳам бошланди. Ҳа демай ерга чигит қадашга киришамиз. Ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрган деҳқонгина чигитни тез ва сифатли экиб олади. Биз ана шуни ҳисобга олиб, барча техникани сифатли ремонтдан чиқариб, мавсумга тахт қилиб қўйдик. 28 киши яхши ўқитилиб, квадрат-уялаб чигит экишга шай қилиб қўйилди. 4 экипажнинг аъзолари мавсумни орзиқиб кутиб турибдилар.

Колхозимизда пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Қадрдонимиз Н. С. Хрушчев «Яхши кийимга яхши овқат ярашади», деб жуда тўғри фикрни ўртага ташлади. Биз пахтакорларимизни ўзимизда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўла таъминлаш, шаҳар аҳолисига мўлкўл гўшт, сут, тухум етказиб бериш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Бу йил 27 гектар ерга картошка, 17 гектар ерга сабзавот, 97 гектар ерга маккажўхори, 20 гектар ерга лавлаги экмоқчимиз. Бунинг учун ажратилган ерлар сифатли текисланган, уруғликлар жамғариб қўйилган. Шу экинлардан мўлжалдаги ҳосилни етиштириб олиш учун ҳамма имкониятлар бор.

Биз маккажўхори, лавлаги экинларидан юқори ҳосил етиштирилишини таъминласак, чорвамизни мўл, ширали озуқа билан таъминлаган бўламиз. Сут ҳам, семиз моллар ҳисобига гўшт ҳам кўпаяди. Чорвадорларимиз асосий ишларни механизациялаштиришга эътибор бермоқдалар. «Тандем» усулида сут соғишга кўчиш мақсадида 100 бош сигир соғиладиган зал қурдик. Янги усул қўлланилгач, фермадаги 30 кишидан 15 кишини пахтачилик ишига кўчириш имконияти туғилади.

Ҳа, бизда пахтачилик соҳасида ишнинг кўзини биладиган кадрлар етарли бўлганидек, чорвачилик соҳасида ҳам бой тажрибага эга бўлган кадрларимиз бор. Олдимизда турган вазифа катта ва шарафли. Жонкуяр кадрларимиз бу вазифанинг уддасидан чиқаоладир.

Н. ГИЕСОВ.

Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз раиси.

ТЮПКО ДАЛАСИДА БАҲОР НАШИДАСИ

ЛАВҲА

Бундан икки кунгина олдин ёққан ёмғирдан кейин коинот тағин ҳам гўзаллашиб кетди. Ўрик ва бодом гулларининг ғунчалари қобиғига сиғмай қолди. Кўкда чарақлаётган қуёш нурини эмиб, навбаҳор еллари қитиқлаб ўтса ўша ғунчалар чаман-чаман бўлиб очилиб кетади.

Ҳа, деҳқонларни қадрдон далалар бағрига чорлаб сулув навбаҳор келди. Бундан иккиуч ҳафта илгари Валентин Афанасьевичдан квадрат-уялаб чигит экишнинг энг тўғри йўллари ҳақида назарий билим олган тажриба мактабининг тингловчилари энди устахоналарни тарк этиб далага чиқишган, амалий машғулот ўтказишмоқчи.

Ер чеккасида жиловланган отдек қудратли универсал турибди. Сеялканинг барабанларига чигит солинган. Валентин Афанасьевич ариқ бўйидаги лойдан юмалоқлаб коптокча ясади-да, шудгорга отди, коптокча тупроққа ботди. Фарғоналик йигит Мухтарали Ўлмасов Валентин Афанасьевичга маъноли қаради:

— Бунинг маъноси нима? — сўради у.

— Агар тупроқ майин бўлса, ер экишга етилган бўлса отилган лой тупроққа ботади, универсал бемалол юраолади.

Валентин Афанасьевич шогирдлари билан бориб кўришди. Чиндан ҳам тажриба учун ерга чигит ташласа бўлади.

Ҳа демай универсалнинг гуруллаган овози қанотланиб учди. Валентин Афанасьевич бригадасининг ягона аъзоси механизатор Николай сеялкани бошқармоқчи. Мана, универсал картанинг у бошидан бу бошига бориб келди. Энди текшириб кўриш керак. Чигит уяларга белгиланган миқдорда тушганмикин, қатор оралари тўғри чиққанмикин? Фарғона областидаги «Коммунизм» колхозининг механизатори Сайдирасул Расулов, Ўзбекистон районидаги «ХХ партсъезд» совхози комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи Мухтарали Ўлмасов, ўзимизнинг Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозидан келган Назифа Бегулова, Эркиной Ғаниевалар бир галикда тупроқни ковлаб кўришди. Яхши! Универсални новатор одам: номи оламга машҳур механизатор бошқаради-ю, квадратлар аниқ чиқмайдими?!

— Ҳамма гап шундаки, — Валентин Афанасьевич шогирдларига тушунтирабошлади,— аниқ квадратлар ҳосил қилиш учун, дастлавал, карталарни яхлитлаштириш керак. Пастбаланд, ўнқир-чўнқир жойлар бўлмасин, кафтдек текислаб, тупроқни ниҳоятда майин қилиб ишлаш лозим. Агар ер яхши текисланмаса серкесак бўлади, агрегат равон юрмайди. Шу сўзлардан кейин Валентин Афанасьевич, — қани ким рулга ўлтиради, синаб кўрайлик-чи,— деб ҳаммага бир-бир назар ташлаб чиқди.

— Мен бир ўзимни синаб кўрай, Валентин Афанасьевич, — Сайдирасул рухсат сўради.

Сеялка кетидан юришиб, Сайдирасулнинг ишини кузатиб боришди. Сайдирасул ўзига ишонинқирамай дамба-дам сеялка томонга назар ташларди.

— Сиз, Сайдирасул,— Валентин Афанасьевичнинг овози универсал овози билан қўшилиб, кетди, — орқа томонга кўп қарайверманг, буёқдаги ишни сеялкачи бажараверади, олга боқинг, рулни дадил ушланг.

Энди Сайдирасул ўзини бардам тутиб, рулни дадилроқ ушлаб, иккиланмасдан иш бошлади. Бир эгат чигит экилгандан сўнг Валентин Афанасьевич Сайдирасулнинг ишидан қаноат ҳосил қилганлигини билдирди.

— Иш деган мана бундай бўпти,—деди у.

Шогирдлар куёш тиккага келгунча галма-гал руль бурадилар. ўзларининг назарий билимларини тажрибада синаб кўришди. Ҳа, Валентин Афанасьевичга раҳмат, яхши таълим берди. У: Ватанимизда «оқ олтин» хирмонлари тоғ-тоғ бўлиб кўкка бўй чўзсин, кишларни кўл кучи билан бажариладиган оғир меҳнатдан халос қилайлик, ишда механизация дўстимиз бўлсин, дейди.

Ана шу юрак туйғуси билан Валентин Афанасьевич бу йил республикамиздан келган бир неча ўнлаб механизаторларга ўзининг бой тажрибаларини инъом қилди, пахтанинг таннархини қандай қилиб арзонга тушириш йўлларини ўргатди, техниканинг қалитини уларнинг қўлларига берди. Самарқанд ва Бухородан, Андижону Хоразмдан келиб, ҳаёт мактабини ўтаган шогирдлар қатори маҳа бугун фарғоналиклар ҳам Валентин Афанасьевичдан минг-минг миннатдор.

Бир нафас дам олиб, хордиқ чиқарадиган вақт келди. Шогирдлар овқат вақтида гўза қатор оралариги кўндалангига ишлашнинг қандай фойдаси бор, деб сўраб қолишди.

— Кўндалангига ишлашнинг хосияти кўп, — Валентин Афанасьевич ўзига хос вазминлик билан жавоб беробошлади, — бунда қўл меҳнати сарфлаш тенг баравар камаяди, гўзанинг тўрт томони бир текис юмшаб, ерга солинган ўғит, эгатларга таралган сув ҳаммаёққа баравар синғади, ҳам яхши сақланади, гўза тўрт томонга томир отади. Кўндалангига ишланганда гўза тагидан шохлаб калта бўғин бўлиб ўсади. Бундай гўзаларнинг пахтасини машинада териш осон бўлади.

Ҳа, шогирдлар чиндан ҳам Валентин Афанасьевичнинг қишлоқ хўжалиги новатори эканлигига қаноат ҳосил қилишди. Ахир Валентин Афанасьевич Тюпко бу йил икки иши бўлиб — шериги Николай билан бирга 38 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олмоқчи. Ниҳоятда бой тажрибага эга бўлган кишигина бунинг уддасидан чиқа олиши мумкин. Валентин Афанасьевич бунинг уддасидан чиқади!

Бултур пахтакор республикалар вакилларининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида Валентин Тюпко бундай деган эди: «1962 йилда менинг бригадам бир центнер пахта таннархини камайтириб, 6 сўмга келтиради».

«Ўртоқлар, — тақдирлади шунда деҳқонларнинг қадрдон дўсти Никита Сергеевич Хрушчев, — ана сизга намуна, шунга тенглашмоғингиз керак. Каттадан-кичик ҳаммангиз ана шу одамдан ўрганишингиз ва унинг тажрибасини қўллашингиз керак...»

Бу баҳо партия ва ҳукуматимизнинг раҳбари томонидан Валентин Тюпкога — ўзи каби бир неча ўнлаб талантли кадрлар тайёрлаб етиштираётган машҳур механизаторга берилган энг юксак баҳо эди.

У. ЖОНГИТОВ.

Янгийўл. Ўрта Осиё машина синаш станцияси.

ЭЛГА ЭТ, ЭТГА МЕҲНАТ

Чорва молларининг гўшти қанчалик семиз, сути қанчалик серёғ бўлса халқимизнинг дастурхони шунча бой, ғўзал бўлади. Қўйларни, қорамолларни, чўчқаларни, товуқларни сермаҳсул қилиш—меҳнат, билим ва тажрибани талаб этади.

Бу гапларни мен ўз кўрган-билганларимга таяниб гапираяпман. Колхозимизнинг энг етакчи тармоғи — чорвачиликдир. Ўтган 5—6 йил давомида биз бошқа соҳалар билан бир қаторда, чорвачиликни ҳам юксак поғонага кўтараолдик. Партиямизнинг тарихий XXII съезди бўлиб ўтган, коинотга биринчи бор йўл очилган, шон-шуҳратларга тўлиб-тошган 1961 йил бизнинг хўжалигимизда ҳам қувончли натижалар билан якунланди.

Чорвадорларимиз давлатга гўшт, сут ва жун сотиш юзасидан белгиланган етти йиллик планни ўтган йилнинг охиридаёқ тўла адо этдилар, бир йўла 3 йиллик план миқдоридаги гўштни давлатга сотдик. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига салкам 30 центнердан гўшт етиштирилди. Ҳар 100 бош совлиқдан 107 тадан кўзи, ҳар бир қўйдан 2,8 килограммдан жун, ҳар бир бош сигирдан 1858 литрдан сут, ҳар бир товуқдан 79 тадан тухум олдик.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ, албатта, Чорвадор ота-боболаримизнинг «элга эт керак, этга меҳнат керак» деган оқилона гаплари бор. Колхозимизда ишнинг кўзини билиб астойдил меҳнат қиладиган юзлаб кадрлар мавжуд. Улар ўз тажрибалари, фидокорона меҳнатлари билан чорвачилигимизнинг беқиёс даражада юксалишига ҳисса қўшаяптилар.

Мана, Жайлов Қолжонов, Айдарбек Кўчкинбоев, Анорбой Жумабоев ўртоқлар каби чўпонларимизни олиб кўрайлик. Уларни ҳамма вақт яйловда, қўрада, ўз отарида учратасиз. Бу чўпонлар ўтган йили ҳар юз совлиқдан 125 тадан қўзи олишга муваффақ бўлишди.

Сут соғувчи қадрларимиз эса сигирлардан кўплаб сут олиш сирини билиб олишган. Ўртоқ Сайрам Раззоқова ҳар бир сигирдан 2500 литрдан сут соғиб олди. Сайрам бу йил 2600 литр учун курашаяпти. Чўчқабоқар ўртоқ Боймирза Биймирзаев эса шу йил январь ойи давомида давлатга 9 тонна гўшт сотди.

Колхозимизнинг раҳбар кадрлари ҳам билимли, тажрибали ва меҳнатсевар кишилардан иборат. Ўртоқ Рафиқ Чарапуллин бош зоотехник вазифасида ишлайди. У олий маълумотли, тиниб-тинчишни, чарчаш нима эканлигини билмайдиган йигит. У чорвадорларнинг энг яқин дўсти, маслаҳатчиси.

Олий маълумотли Иван Ефимович Тищенко колхознинг бош ветеринария врачи вазифасини ўтаяпти. Иван Ефимович ўзининг ажойиб ҳунари, самарали меҳнати билан чорвадорларнинг ҳам, чорва молларининг ҳам жонига ора кираяпти. Ферма мудирларидан Дўсжон Жумабоев, Ўрдабек Лесбоев, Сенсизбой Мендиқулов, товуқбоқарлардан Гулсун Туралиева, бригада бошлиқларидан Юсуфбек Тўлабеков, Ўрисбой Бўгибоев сингари ўртоқлар ҳам ўз ютуқлари, самарали меҳнатлари, ҳулқ-атворлари билан колхозчилар ўртасида катта ҳурмат қозонишган.

Бу йил олдимизда турган вазифалар яна ҳам муҳимроқ, яна ҳам буюкроқдир. Биз она-Ватанга 1666 центнер гўшт, 2429 центнер сут, 41 тонна жун, 52995 дона тухум етказиб беришга қатъий бел боғладик.

Ҳозир дастлабки муваффақиятларга эришдик. Гўшт сотиш квартал планини 3 январда, сут сотиш планини эса 30 январда бажардик.

Чорвачилигимизда ҳали анча-мунча камчиликлар ҳам бор. Партия ва ҳукуматимиз ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 75 центнердан гўшт, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига эса 16 центнердан гўшт етиштириш вазифасини қўйди. Биз қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига салкам 30 центнердан гўшт етиштирдик.

Бундан буён маккажўхори ва бошқа ем-хашак экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш, уларнинг ҳосилдорлигини кескин даражада ошириш йўли билан партиямиз белгилаб берган вазифаларни албатта ортиғи билан бажарамиз. Бунда кадрларни танлаш ва ўқитиш ишларига яна ҳам катта эътибор берамиз.

Исмонл ИРИСБОЕВ.

Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз раиси.

Чеҳрасидан табассум аримайдиган бу қиз Ўткура Йўлдошевадир. Ўткура Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг пешқадам сут соғувчиларидан бири ҳисобланади. У бу йил ўз боқимидаги 15 сигирнинг ҳар биридан 4725 литрдан сут соғиб олишга бел боғлади. Ўртоқ Йўлдошева ҳозирга қадар мажбуриятнинг чорагидан кўпроғини бажариб қўйди.

Машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Афанасьевич Тюпко бошчилик қилаётган бригада ҳузурида очилган илғор тажриба мактабида Самарқанд, Бухоро, Андижон ва бошқа областлардан келган ўнлаб механизаторлар пахтачиликни комплекс механизациялаш юзасидан яхши таълим олиб қайтдилар. Суратда: ўртоқ В. А. Тюпко (чапда) Фарғона областидан келган механизаторлар билан квадрат-уялаб чигит экиш юзасидан амалий машғулот ўтказмоқда.

А. Абалян фотолари.

МАККАЖЎХОРИ — ТЎКИНЧИЛИК МАНБАИ

Пахтачилик бригадасига қўшимча равишда маккажўхори экишни топшириш умуман ёмон натижа берди. Негаки, «дала малика»сига ўғай кўз билан қаралди. Колхозимиз правленияси ўтган йили йўл қўйилган бундай камчиликнинг олдини дарҳол олишга ҳаракат қилди. Бу йил алоҳида маккажўхоринкорлик бригадаси тузилди. Бу бригадага бошчилик қилишни колхоз правленияси менга топширди.

Алоҳида бригада тузилганидан сўнг биз ишни тубдан яхшилашга катта эътибор бера бошладик. Шу пайтгача ерни шудгорлаш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш ишларини деярли бажариб бўлдик. Ер етилиши билан 160 гектар майдонга маккажўхори экамиз. Шунинг 40 гектарини аъло нав уруғлик етиштириш учун парвариш қиламиз. Қолганларини эса силосбоп кўкпоя ҳосили етиштиришни мўлжаллаб ўстирамиз.

Маккажўхорилик касбини пухта эгаллаб олиш учун донгдор маккажўхорикор ўртоқ Любовь Ли бригадаси ҳузурида очилган илғор тажриба мактабида ўқиб қайтдим.

Маккажўхорк — гўшт, сут манбандир, деган гап жуда тўғри айтилган. Ўтган йили колхозимизда алоҳида бир чуқурга нукул думбул сўталардан силос бостирилди. Бу озуқа чорва моллари семиртиришда жуда катта аҳамиятга эга экан. Чўчқабоқар ўртоқ Валентина Уланова бу йил ҳам ана шундай думбул сўталардан кўплаб силос бостирилишини илтимос қилаяпти. Бу, албатта, бизга боғлиқ. Ўртоқ Уланова биз етиштирадиган ҳосилни назарда тутиб, бу йил колхоз бўйича давлатга сотиладиган гўштнинг камида 30 процентини чўчқа гўшти ҳисобига бажаришга бел боғлади.

Бригадамиз аъзолари Любовь Ли изидан бориб, биринчи йили ҳар гектар ердан 35 центнердан юқори сифатли дон ва 600 центнердан силосбоп кўкпоя ҳосили етиштириш юзасидан зиммаларига катта мажбурият олдилар. Сўз бердингми—уни албатта бажар! Халқимизнинг бу ҳикматли гапига амал қилиб, биз ўз сўзимизнинг устидан чиқиш учун йил бўйи ғайратимизни сира аямай меҳнат қиламиз.

Қ. НИЕЗАЛИЕВ,

Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхоз маккажўхоринкорлик бригадасининг бошлиғи.

Беда экилмоқда

БЕКОБОД, 2 март. (ЎзТАГ). 2-«Далварзин» совхозининг механизаторлари Бекобод районида биринчи бўлиб беда эка бошладилар. Уруғ яхши тайёрланган тупроққа экилмоқда. Совхознинг тўртинчи бўлими механизаторлари дастлабки беш экиш агрегатини далага олиб чиқдилар.

Совхоз мутахассислари экин майдонларининг структурасини қайта қараб чиқиб, серҳосил озуқабоп экинлар, биринчи навбатда маккажўхори майдонини кенгайтириш ҳисобига беда экишни қисқартишни кўзда тутдилар.

Совхоз меҳнаткашлари беда экишни КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми очиладиган кунгача тамомлаш мажбуриятини олдилар.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. ХРУШЧЕВнинг А. Фанфани ва Абубакар Т. Балевага МАКТУБЛАРИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Энг юқори даражадаги ва мавқедаги раҳбар арбоблар бир-бирлари билан шахсан учрашганларида, улар бир-бирларининг ниятларига ва таклифларига ишонч билан қарашлари ҳамда томонларнинг позициясини бир-бирига яқинлаштириш йўлларини топмоқ учун қулай вазият вужудга келтиришлари осонроқ эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, дейилади Н. С. Хрушчевнинг мактубида.

Совет ҳукумати ана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, қуролсизланишга бағишланган музокараларни ҳукуматларнинг ва давлатларнинг бошлиқлари иштироки билан энг юксак доирада бошламоқ керак, деб таклиф қилди. Совет ҳукумати қуролсизланиш тўғрисида битимга келишга астойдил интилиб, ҳозир ҳам мана шу йўл муваффақиятга эришмоқ учун энг кўп умид бағишлайди, деган фикрда турибди.

Н. С. Хрушчев, жаноб Фанфани ва унинг бошчилигидаги ҳукумат Женевада бўладиган музокараларнинг муваффақиятли бошланишини таъминламоқ учун ўзининг куч ва ғайратини сарфлайди, деб умид билдиради.

* * *

Совет ҳукуматининг таклифига жавобан жаноб Фанфани қуролсизланишга бағишланган музокараларда энг юксак мавқедаги давлат арбобларининг қатнашувини шу музокараларда «мушкуллик туғилган ёки якунлаш пайти келган» вақтга қолдирилсин, деб таклиф қилади. У, қуролсизланиш билан шуғулланувчи комитет ишнинг бошланғич — энг масъулиятли қисми юксак доирада ўтказилсин, деган совет таклифини қабул қилишни мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

* * *

Н. С. Хрушчев Нигерия бош министрига юборган ўзининг мактубида ҳозирги вақтда жаҳон олдида турган муҳим проблемаларни ҳал қилиш йўлларини қидираётган Совет Иттифоқининг ҳаракатларини тақдирлаб айтилган яхши сўзлар учун миннатдорчилик билдирди.

Совет Иттифоқи ўзининг бутун ташқи сиёсатида, дейилади мактубда, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга ёрдамлашишга, урушнинг олдини олишга интилиб келмоқдаки, бизнинг асримизда, ракета-ядро қуроллари даврида уруш халқларнинг бошига ҳақиқатан ҳам сонсиз-саноқсиз офатлар келтирган бўлур эди. Ҳозирги замоннинг мана шу марказий масаласида — тинчлик ва уруш масаласида — бизнинг позициямиз янги, эркин Африкадаги йирик мустақил давлатлардан бири бўлган Нигериянинг позициясига мос бўлиб тушаётганлигига астойдил хурсандмиз.

Жаноб Абубакар Т. Балеванинг: Нигерия ҳукумати қуролсизланишга лозим бўлган аҳамиятни бермоқда ва СССРнинг қуролсизланиш билан шуғулланувчи комитет ниши муваффақиятли бўлиб чиқмоғи учун мумкин бўлган чораларнинг ҳаммасини кўриш зарур, деган фикрига қўшилади, деб айтган гапларини Н. С. Хрушчев 18 давлат комитетида Нигериянинг конструктив ҳаракатлар қилишидан дарак берувчи яхши нишона деб ҳисоблайди.

СССР ҳукуматининг бошлиги уқтириб айтадики, музокаралар муваффақиятли бўлмоғи учун шу музокараларда қатнашувчилар ўртасида аввал бошданоқ маълум даражада ишонч бўлишини таъминламоқ муҳимдир. Ҳаммадан кўра бу вазифани ўз халқларининг кенг ваколатларига эга бўлган, уларнинг энг юксак ишончини қозонган арбоблар уддалай олади.

Энг юксак мавқедаги раҳбар давлат арбоблари музокаралар бошланиши билан қулай вазият вужудга келтиришга киришиб, комитетнинг ишини тўғри йўлга солиб юборсалар, у ҳолда, муваффақият қозониш имконияти, ҳеч шубҳасиз, кўпаяди. Оқибат натижада эса энг муҳими мана шунинг ўзидир, дейилади Н. С. Хрушчевнинг мактубида.

* * *

Нигерия бош министри Абубакар Т. Балева Совет ҳукуматининг таклифига юборган ўзининг жавобида ҳозирги вақтда жаҳоннинг олдида турган муҳим проблемаларни ҳал қилиш йўлини топмоқ учун СССР тинмай ҳаракат қилаётганлигини қизиқиб ва қойил қолиб қузатиб борганлигини айтади. У, СССРнинг қуролсизланиш билан шуғулланувчи 18 давлат комитетининг иши муваффақиятли бўлиб чиқмоғи учун мумкин бўлган ҳамма чоралар кўрилиши лозим, деган фикрига қўшилганлигини айтади. (ТАСС).

Чет элларда нима ган



Мадрас штатидаги Нейвелида Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техника ёрдами билан Ҳиндистонда энг йирик ёқилғи электростанцияси қурилаяпти. Суратда: электростанциянинг қурилиш майдонида.

А. Савин фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ИНДОНЕЗИЯ ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

ЖАКАРТА, 2 март. (ТАСС). КПСС XXII съездида қабул қилинган КПСС янги Программаси ва Устави тексти бўлган брошюра бугун Индонезиянинг китоб магазинлари ва киоскаларига чиқарилди. Бу брошюрани Жакарта «Янгилаш» нашриёти кўп нусхада нашр этди.

БИРМАДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ПАРИЖ, 2 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Рангундан хабар беришича, бугун нечаси бу ерда ҳарбий тўнтариш бўлган.

Бирма армиясининг бош қўмондони генерал Не Вин бугун эрталаб армия мамлакатдаги ҳокимиятни ўз қўлига олганлигини эълон қилди.

* * *

ЛОНДОН, 2 март. (ТАСС). Бирма армияси штабининг бошлиғи генерал Не Вин бугун радио орқали гапириб, ўз раслиги остида революцион ҳукумат тузилганлигини эълон қилди. У, илова қилиб, революцион кенгаш «Бирмада аҳвол ёмонлашганлиги» туфайли тузилганлигини айтди. Генерал Не Вин аҳолини осойишталикни сақлашга чақирди.

Рейтер агентлиги шу тўғрида хабар бериб, бош министр У. Нуни ва унинг ҳукуматининг бешаъзосини «ҳарбийлар қўриқлаб турганлигини» билдиради.

ҲИНДИСТОНДАГИ САЙЛОВЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

ДЕҲЛИ, 1 март. (ТАСС). Сайлов комиссиялари Ҳиндистонда ўтказилган учинчи парламент сайловларида берилган овозларни санаб чиқмоқдалар.

Парламентнинг халқ палатасига сайлов натижалари 325 округ бўйича эълон қилинди (жами 494 округ бор). Ҳиндистон миллий конгресси 234, коммунистлар 16, халқ социалистик партияси 9, Жан Сангх партияси 13, Сватантра партияси 7, мустақилчилар ва бошқа партияларнинг вакиллари 46 ўрин олдилар. Бош министр Неру ва ҳозирги Ҳиндистон ҳукуматининг 13 министри ҳамда министрларнинг ўринбосарлари парламентнинг халқ палатасига сайландилар.

Шу нарса ғоят муҳимки, деб таъкидлайди «Индиан экспресс» газетаси бугунги сонида, ўнг реакцион партиялар раҳбарларининг деярлик ҳаммаси сайловларда ўтмай қолди.

Штатларнинг қонун чиқарувчи мажлисларига сайлов ўтказувчи 2.930 сайлов округининг 2.727 тасида овоз бериш натижалари аниқланди. Депутатлик ўринлари ҳозирча қуйидагича тақсимланди: Ҳиндистон миллий конгресси 1664, коммунистлар 137, халқ социалистик партияси 131, Жан Сангх партияси 110, Сватантра партияси 156, мустақилчилар ва бошқа партияларнинг вакиллари 529 ўрин олди.

Ҳиндистон миллий конгресси, Ражастон ва Мадхья Прадеш штатларини мустасно қилганда, барча штатларнинг қонун чиқарувчи мажлисларидаги ўринларнинг абсолют кўпчилигини олди.

ДАЛАЛАР БАҒРИГА ЧОРЛАМОҚДА

Кеча ҳаво булут эди. Бугун эса тамом бошқача. Далаларни кезган киши навбаҳор нашъасини суради. Зилолдек осмон мусаффо. Ҳаво илиқ, қуёшнинг саҳийлик билан сочган заррин нурлари бепоён далаларга ажиб ҳусн бағишлаган. Бир томони адрларга туташиб кетган, ҳосилга кон бу кўркам далалар кишини беихтиёр ўзига чорлайди.

Деҳқончилик билан суяги қотган кишилар бундай маҳалда уйида жим туролмайди. Улар безовта. Йўлларда ариқ кавлаётган кишилар, чигит экиладиган ерларни ўз машинаси билан текислаётган механизаторлар, ҳар баҳорда дарахт ўтқазмаса кўнгли ўрнига тушмайдиган бедор кексалар, тракторларини, сеялкаларини қирга — буғдойзорларга олиб кетаётган тракторчилар, янги йўлларга шағал тўкаётган, уруғлик дон ортиб қирга шошиб бораётган шоферлар, гўнг ортиб отларини гижингластиб, далаларни янгратиб ашула айтиб бораётган аравакашлар учрайди. Бу манзиллар Ленин номли колхозда чинакам баҳор— меҳнат, юқори ҳосил учун кураш баҳори бошланиб кетганидан дарак беради.

Ўртоқ Мусоқул Қолдибеков бошлиқ учинчи бригадада иш қизғин. Бир томонда одамлар ариқ тозалашяпти, иккинчи томонда тракторчи ер текислайдиган машина билан чигит экиладиган ерларни текислаб кетаяпти.

— Шунча йилдан бери бу машинадан яхши фойдаланмаганимизга энди пушаймон қиламан, қаранг одамлар фақат карта четларини бир оз текисласа чигит экиш учун ер тайёр,— Қолдибеков хурсанд бўлиб колхоз раиси ўртоқ Инсофали Талаббоевга гапира бошлади.

— Ҳозир қанча ер текисланди,— сўради раис.

— Бугунгини қўшмасак 30 гектар бўлди.

— Бу ишингиздан хурсандмиз. Аммо ариқларнинг пала-партиш тозаланишига қўшилмаймиз. Бу ишингиз брак,— деди раис.

— Нима учун? шошиб сўради Қолдибеков.

— Агар сиз чинакам деҳқон бўлсангиз ёввойи ўтга қарши курашни ҳозир бошланг. Утган йили ерингизда курмак ва бошқа бегона ўтлар бор эди. У қаердан пайдо бўлди? Мана шу ариқ бўйида ўсган ўтларнинг уруғини сув оқизиб борган. Шунинг учун ариқ бўйидаги ҳамма ёввойи ўтларни томири билан юлиб, чопиб ташланмаса бу ишингизни қабул қилмаймиз.

Қолдибеков раиснинг бу ўринли эътирозига бир нарса деяолмади, аксинча «тузатамиз» деб ваъда берди.

Йўлда раис бу йилги режалар ҳақида зўр ишонч билан ҳикоя қила бошлади.

— Ўтган йили бизда планини бажармаган бironта ҳам бригада қолмади. Колхоз бўйича 27,8 центнердан ҳосил кўтарилди. Ҳали биз кўрган Мусоқул Қолдибеков бригадасида гектаридан 32, Ҳамиджон Раимқулов бригадасида 37 центнердан ҳосил олинди.

— Колхоз даражасидан кам ҳосил олаётган бригадалар ҳам борми?— сўрадик.

— Ҳа, бор, масалан, Мирзаҳаким Маматов, Маҳкам Мамбетов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда план бажарилган бўлса ҳам, ҳосилдорлик 24 центнердан ошмади. Бунга бир чекаси ўзимиз ҳам айбдор. Чунки бу бригадаларда чигит экиш схемалари қандай бўлишини дурустроқ ўйлаб кўрмаган эканмиз.

— Пахтакор республикалар қишлоқ хўжалик вакилларининг Тошкентда бўлиб ўтган зонал кенгаши камида 25 центнер учун кураш шиорини ташлади. Шу соҳада сизларда қандай ишлар қилинаётир?

— Биз колхозимиз бўйича 25 центнердан ортиқ ҳосил олаяпмиз деб қараб турганимиз йўқ. Бу йил 835 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олишни мўжалламоқдамиз. Маълумки, ҳосил кўчатдан чиқади. Шунинг учун ишчи кучларини, бор техникани ҳисобга олиб, чигит экиш схемасини ўзгартирдик. Кам ҳосил олган уч бригадамизда ишчи кучлари кўп. Шунинг учун уларнинг ярим ерига 60x30 схемаси билан чигит экилади. Умуман колхозда 550 гектар ерга 60x45 ва 275 гектар ерга 60x30 схемаси билан чигит экмоқчимиз. Вилт касали тушган айрим ерларга бошқа деҳқончилик қиламиз.

Адирнинг тепасига жойлашган чорвачилик фермаси томон кетаётиб йўлда ферма мудири Ўртоқ Ботиров ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш инспекциясининг район вакилини учратиб қолдик. Вакил текшириш натижаларини айта бошлади.

— Биринчи квартал гўшт плани бажарилди. Иккинчи квартал учун 70 та қорамол, 200 қўй, 20 та чўчқа боқиляпти. Хашак етарли, лекин ем йўқ экан, — деди у.

— Тўғри, ем масаласи чатоқроқ,—деди раис,—чорва учун ўзимиз етарли миқдорда ем-хашак етиштирмасак бўлмас экан. Қўл билан берганга қуш тўймайди дейдилар. Шунинг учун бу йил 90 гектар ерга маккажўхори, 10 гектар ерга қант лавлаги экмоқчимиз. Бунинг учун алоҳида бригада туздик. 1961 йили 800 гектар ерга галла экиб, яхши ҳосил олган эдик. 1962 йил учун ўтган йили кузда 700 гектар ерга галла экиб қўйганмиз. Колхозимизнинг эҳтиёжини, чорвамизни ҳисобга олиб, яна 700 гектар ерга баҳорги буғдой, арпа, сули экишни бошлаб юбордик. Бу галла бўлиб берса, колхозчилар учун нон, чорва учун ем-хашак сероб бўлади. Галла эртароқ экилса кузги буғдойдан қолишмайди.

Юқори Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозда баҳорги ишлар бошланиб кетган. У тобора қизиб бораяпти.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ Ж. КЕННЕДИГА МАКТУБИ БМТНИНГ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 март. (ТАСС). СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили В. А. Зорин СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг қуролсизланиш билан шуғулланувчи 18 давлат комитетининг иши масаласи юзасидан шу йил 21 февралда АҚШ президенти Жон Ф. Кеннедига йўллаган мактубини кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари вазифасини ижро этувчи У Танга юборди.

Ана шу мактуб бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида эълон қилинди.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗ ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ХАНОЙ, 2 март. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Б. Н. Пономарев бошчилигидаги КПСС делегацияси бугун махсус самолётда ватанига жўнаб кетди.

КПСС делегацияси Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ, Вьетнам Демократик Республикасига келган эди. Делегация аъзолари Вьетнам Демократик Республикасида ўн кун меҳмон бўлиб, Вьетнам халқи ва Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг раҳбарлари билан учрашдилар ва мамлакат бўйлаб саёҳат қилдилар.

ҲОЗИРГИ ПАЙТНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАСИ

СТОКГОЛЬМ, 2 март. (ТАСС). Швеция матбуоти СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Швеция бош министри Т. Эрландерга юборган мактубини ҳозирги пайтнинг муҳим воқеаси, деб ҳисобламоқда.

Швеция телеграф бюроси мактубнинг тўла текстини тарқатди. Стокгольм радиоси ва телевидениеси кечаги сўнгги эшиттиришларидаёқ мамлакат жамоатчилигини Н. С. Хрушчевнинг мактуби билан таништирди. Бугун Стокгольмнинг эрталабки газеталари Н. С. Хрушчев мактубининг тўла текстини кўзга кўринарли ўринларда босиб чиқардилар.

Гватемалада диктаторлик режимига қарши қуролли ғалаёнлар

ГАВАНА, 2 март. (ТАСС). Кейинги вақтларда халқнинг Идигорас Фуэнтес диктаторлик режимидан норозилиги ғоят кучайиб кетди. Бу норозилик армиядаги ёш офицерлар ва меҳнаткашларнинг қуролли қўзғолонига айланди. Офицерлар ва меҳнаткашлар Гватемаланинг шарқий қисмида ҳукумат қўшинларига қарши муваффақиятли жанг қилмоқдалар. Гватемала журналисти Хосе Мануэль Фортуна Гватемаладаги партизанлар кураши тўғрисида «Ой» газетасига мақола ёзди.

Фортуна ўз мақоласида қуйидагиларни таъкидлайди: партизанлар Гватемала халқига қарата чиқарган мурожаатларида Идигорас ҳукуматини ағдариб ташлашга, демократияни тиклашга, коррупцияни тугатишга, 1954 йилда Америка агрессияси натижасида оёқ ости қилинган миллий иззат ва ҳурматни яна тиклашга ҳамда халқ бахт-саодати ва мамлакатнинг равнақи йўлида хизмат қиладиган янги ҳокимиятни вужудга келтиришга даъват этадилар.

Автор қуйидагиларни ёзади: мамлакатда барча демократик кучлар ватанпарварлик кураши бирлашган фронтига уюша бошладилар. Бу ташкилот шаҳарларда, қишлоқларда ва йирик қишлоқ хўжалик марказларида ўз фаолиятини кучайтирмоқда.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Ёш коммунистлар билан ишлаш комиссияси

КПСС XXII съездининг тарихий қарорлари, партиямизнинг янги Программаси ва Устави совет халқининг Коммунистик партияга бўлган меҳр-муҳаббатини янада ошириб юборди. Ҳар бир совет кишиси учун дунёда биринчи марта коммунизмнинг нурли биносини барпо этишга раҳнамолик қилаётган Ленин партияси сафида бўлишдан ҳам юксакроқ орзу йўқ. Шу сабабли ҳам эндиликда партия сафига кираётган янги аъзоларнинг сони кун сайин кўпаймоқда.

Сўнгги икки йил мобайнида район партия ташкилотлари завод, фабрикалар, транспорт, қурилиш, фан, маданият ва санъатнинг илғор вакилларидан мингдан ортиқ кишини партия сафига қабул қилдилар. Шуниси характерлики, партия сафига қабул қилинганларнинг ярмидан кўпини келажакнинг разведкачилари — коммунистчасига меҳнат қилаётган кишилар ташкил этади.

Районда 300 дан ортиқ бошланғич партия ташкилоти бор. Аппаратдаги штатли ходимларнинг сони кам. Шу сабабли ўзаро маслаҳатлашиб, район партия комитети ҳузурида жамоатчилик асосида ёш коммунистлар билан ишлаш комиссияси ташкил этишга қарор қилинди.

Комиссияга 1919 йилдан бери партия аъзоси М. Т. Паршин раҳбарлик қилади. Комиссия аъзолари 15 кишидан иборат бўлиб, улар орасида А. С. Макаров, И. Ф. Пальчиков, Н. М. Смирнов, И. П. Попов, А. П. Козлов, А. Абдуллаев, К. Д. Расписов, Ф. П. Грудцин каби катта ҳаёт тажрибаси ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ўртоқлар бор.

Комиссия аъзолари олдига бевосита жойларда ташкилий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, партия аъзолигига кандидатлар билан суҳбатлар ўтказиш, партия Устави талабларининг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш вазифалари қўйилган.

Ҳозир комиссиянинг иш бошлаганига 5 ой бўлди. Шу давр мобайнида айтишга арзийдиган анчагина ишлар қилинди.

Комиссия аъзоси ўртоқ С. Г. Мосягин В. И. Ленин номидаги лампа заводида бўлиб, цех партия ташкилотларининг КПСС аъзолигига кандидатларни тарбиялаш соҳасида олиб бораётган ишлари билан танишди, кўпгина ёш коммунистлар билан шахсий суҳбатлар ўтказди. Заводда 40 дан ортиқ партия аъзолигига кандидатлар бор, уларнинг ҳаммаси партия сафига яқиндагина қабул қилинган. Сўнгги 3 йилда бу партия ташкилоти янги аъзолар қабул қилиш ҳисобига райондаги йирик партия ташкилотларидан бирига айланди. Партия сафига Валентина Мальгина, Мария Бабич, Мария Воронцова, Светлана Константинова, Валентина Смирнова каби коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари ва зарбдорлари қабул қилинди.

Завод партия комитетида партия аъзолигига кандидатлар билан суҳбатлар ўтказиб турилади, уларнинг ўқиши, партия топшириқларини қандай бажараётганликлари билан қизиқилади. Партия аъзолигига кандидатларнинг кўпчилиги олий ва ўрта мактабларда ўқишади.

Партия комитети ёш коммунистларнинг сиёсий билимининг оширишга, айниқса, катта эътибор бераётир.

Лекин бу ерда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Партия аъзолигига кандидат бўлган баъзи кишилар меҳнатда, ҳулқда ва турмушда бошқаларга намуна бўлмаётирлар. Масалан, Беляев нотўғри йўлга кириб кетди.

У, партия ташкилотидан бутунлай ажралиб қолди ва провардида партия аъзолигига кандидатлар сафидан чиқарилди. А. Ф. Кочеров, А. В. Окольная, А. А. Подлесная ўртоқлар ҳам партия аъзолигига кандидатлик муддати даврида ўзларини ижобий томондан кўрсатмаётирлар.

Тошкент трамвай-троллейбус тресті партия ташкилотининг иши билан танишган комиссия аъзоси ўртоқ А. Козлов жиддий камчиликларни аниқлади. Бу ерда партия аъзолигига кандидатлар билан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Ўртоқ Козлов аҳволни яхшилашда партия ташкилотига яқиндан ёрдам берди. Партия аъзолигига кандидатлар билан суҳбатлар ўтказди, уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти билан танишди. Натижада ёш коммунистларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бирмунча яхшиланди, улар ишлаётган участкаларда меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошди.

Ёш коммунистлар билан ишлаш комиссияси аъзоларининг фаолиятига тааллуқли бу каби мисолларни кўп келтириш мумкин. Уларнинг сидқидилдан ишлашлари туфайли фақат сўнгги 3 ойнинг ўзида кандидатлик муддатлари узайтирилган 300 дан ортиқ киши партия аъзолигига қабул қилинди. Комиссия аъзоларининг ташаббуси билан партия аъзолигига кандидатлар учун КПСС янги Устави тўғрисида лекциялар ташкил этилди.

Хуллас, ёш коммунистлар билан ишлаш комиссияси ташкил этилганлиги ижобий натижалар бераяпти. Шунга кўра комиссия фаолиятини янада кучайтириш мақсадида район партия комитети ҳузурида саноат, транспорт ва қурилиш бўйича штатсиз бўлимлар ташкил этилди. Ҳозир бу бўлим ходимлари ёш коммунистлар билан ишлашда бирмунча ишлар қилди. Бу билан улар мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ишига муносиб ҳисса қўшиб, коммунист деган улуғ номни ситқидилдан оқлашяпти.

Д. В. КОЗЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетаси штатсиз бўлимининг мудири.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА

ОКЕАНШУНОСЛАР КЕНГАШИ

Циндаода Хитой океаншуносларининг биринчи кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда 180 дан ортиқ киши қатнашди. Кенгаш қатнашчилари илмий-текшириш ишлари тажрибалари билан ўртоқлашдилар ва океаншуносларнинг бундан кейинги вазифаларини муҳокама қилдилар. Кенгашда 120 га яқин доклад ўқилди ва муҳокама қилинди.

ЯНГИ ХИЛ БАЛИҚЛАР

Гуандун вилоятидаги сув промислоси илмий-текшириш институтининг ходимлари Жанубий Хитой денгизини ўрганишда кейинги йилларда кўпгина иш қилдилар. Хитойда балиқ овлашнинг энг йирик районларидан бири ҳисобланган бу ерда балиқларнинг мингдан ортиқ хили бор. Институт ходимлари кефаль зотидаги балиқларнинг 24 хилини топдилар. Булардан 8 хили Гуандуннинг қирғоқ яқинидаги сувларида ҳали ҳеч учрамаган эди. Шунингдек балиқларнинг яна бир неча турлари топилди. Энциклопедик маълумотномаларда бу балиқ турлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

14 МИНГ МЕХАНИЗАТОР

Хэйлунцзян вилояти районларининг қўриқ ерларидаги 50 давлат хўжаликларида шу йил қишда ташкил қилинган малака ошириш курсларини 14 минг механизатор тамомлади.

Ҳозирги вақтда Хэйлунцзян вилояти давлат хўжаликларида кўкламги экиш ишларига тайёргарлик авж олди. Вилоят давлат хўжаликларида қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш плани 70 процент бажарилди.

АМЕРИКАНИНГ НЕВАДА ПОЛИГОНИДА АНГЛИЯНИНГ ЯДРО ҚУРОЛИ ПОРТЛАТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 март. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, кеча Американинг Невададаги полигонида Англиянинг ядро қуроли ер остида синаб кўрилган.

Атом энергияси комиссиясининг баёнотида айтилишича, Қўшма Штатлар билан Англия бу синовни биргаликда ўтказган.

Жиноятчилар отиб ўлдиришга ҳукм қилинди

НОВГОРОД, 2 март. (ТАСС). 16-гитлерчилар армияси 667-жазо батальонидаги фашист жиноятчилар Григорий Гуревич ва Николай Ивановлар устидан очик суд мажлиси бугун тамом бўлди.

Суд айбдорларни отиб ўлдиришга ҳукм қилди. Залдагилар суднинг бу қарорини маъқуллаб кутиб олдилар.

Суд ҳукмида Г. Гуревич ва Н. Ивановнинг Псков ва Новгород областларининг вақтинча оккупация қилинган территорияларида мудҳиш жиноятлар қилганликлари исбот бўлганлиги айтилади.

Совет-Чехословакия савдо муносабатларига доир

Мустаҳкам қардошларча ҳамкорлик ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтган Совет-Чехословакия музокаралари 2 мартда Москвада 1962 йилда бир-бирларига товар етказиб бериш тўғрисидаги протоколни имзолаш билан тугалланди.

Имзоланган протоколга мувофиқ 1962 йилда СССР билан ЧССР ўртасида товар оборoти қариб 1 миллиард 400 миллион сўмни ташкил қилади. Бу эса 1961 йилда бир-бирларига товар етказиб бериш тўғрисидаги протоколда кўзда тутилган товар оборoти ҳажмидан таҳминан 16 процент кўпдир.

ЧССРга совет хомашё товарлари, жумладан, темир рудаси, нефть, тошкўмир, рангли металлар, химикатлар ва апатитлар етказиб бериш анча кўпаяди. Совет асбоб-ускуналари ва машиналари, телевизорларни етказиб бериш ҳам кўпайтирилади.

Чехословакиядан юбориладиган товарларнинг ярмидан кўпини асбоб-ускуналар, машиналар, кемалар ташкил қилади. Шу жумладан, химия аппаратлари, авторефрижераторлар, темирчилик-пресслаш ва мўзхона асбоб-ускуналари, озиқ-овқат саноати асбоб-ускуналари кўпроқ келтирилади. Халқ истеъмол моллари, чунончи: пойафзал, кийим-кечак, мебель, тикиш машиналари, мотоциклар ва шу сингариларни Чехословакиядан импорт қилиш кўпаяди.

1962 йилда ҳар иккала мамлакат ўртасида бир-бирларига етказиб бериладиган товарлар миқдорининг кўпайтирилиши ҳар иккала мамлакат экономикасини янада ривожлантиришга имкон беради ва бу ҳол Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик мустаҳкамланаётганлигини кўрсатувчи янги далилдир.

ДАМ ОЛИШ КУНИ САХИФАСИ

КОВАКДАН СОВУҚ ТОВУШ

Ҳамид ҒУЛОМ

ПАМФЛЕТ

Бу мудҳиш иғво шу йил 28 февраль кечқурун содир бўлди.

Муқимий номли театрда «Тошболта ошиқ» спектакли ўйналаётган пайт эди. Биринчи парда ниҳолсига етай деганда шаҳардаги номаълум телефондан номаълум шахс театр гримхонасига қўнғироқ қилиб, Соҳиб Хўжаевни шошилинч чақиради. Ўз саҳнасини ижро этиб, навбатдаги чиқишини кутаётган санъаткор телефонга келади. Қулоқ солади... Ковакдан чиққан товушни эслатгувчи алпақандай совуқ овоз софдил, содда кишн қалбига қабиҳ иғвонинг заҳарли наъзасини санчади:

— Ҳозир Хадрада ўглингни машина босиб кетди...

Артистнинг юраги титрайди, мияси гангийди, кўз олди қоронғилашади. Бир нафас ўзидан кетади...

Соҳиб Хўжаевни санъаткор дўстлари, ҳамкасабалари, театр раҳбарлари ўраб олиб, суяб-ардоқлаб ўзига келтиришади. Унга таскин беришади. Юз берган фалокат ота учун ҳам, унинг яқинлари учун ҳам шу қадар аянч, шу қадар даҳшатли эдиким, унинг иғво бўлиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

— Спектакль давом этаяптими? — деб сўрайди Соҳиб Хўжаев, кўзларида алам ўтлари ёниб.

— Давом этаяпти, — дейди режиссёр Раззоқ Ҳамроев.

Хўжаев дўстларига ёшли кўзлари билан тикилиб:

— Тамошабин ранжимасин. Мен саҳнага чиқаман, — дейди ва дўстларидан илтимос қилади: — Ким ҳозир бўш бўлса, Хадрага бориб келсин.

Раззоқ Ҳамроев, М. Орифбоев театр машинасида фалокат юз берган жойга еладилар. Соҳиб Хўжаев саҳнага чиқади. У иккинчи парданинг бошидаги монологини қандай айтганини билмайди. Аммо залда жирканч бидъат устидан қаҳ-қаҳа давом этади.

Ярим соатча ўтгандан кейин С. Хўжаевнинг дўстлари қайтиб келиб, Хадрага ҳам, санъаткорнинг уйига ҳам борганликларини, ҳеч қандай аварня бўлмаганини, номаълум аблаҳ иғво қилганини айтадилар...

Хўш, совет санъатига, унинг энг истеъдодли арбобларидан бирига заҳарли найзасини санчмоқчи бўлган, бидъат-хурофотни фош этувчи асарни тўхтатиб қўйишга уринган жирканч махлуқ, ким? Ўзининг кимлигини яширган у қўрқоқ муттаҳам қаерларда санқиб юрибди? Ниҳоят, ўша ғаразгўй фитначи кимнинг қорачақасига ёлланиб, ғаламуслик қилди?

Бу саволлар жавобсиз қолмайди, албатта.

Лекин мен, барча ижодкор дўстларим қатори, совет санъатини, совет идеологиясини кўзим оқу қорасидек азиз билиб, шу ғояга хизмат қилиш ҳаётим муддаоси бўлгани учун ҳалиги иғвогарни газетхонга таҳминан тасвирлаб бермоқчиман.

Иблис қалбига эга бўлган бу иғвогар шаҳримизда, унинг чеккаларида муваққат асари-отиқа бўлиб қолган, эгри-бугри кўчаларда шу кеча-кундузда рўзанинг ифтор дастурхонларидан тўкилган увоқларни териб, суякларни ғажиб, юрибди. У бир жиҳатдан кўршапалакни эслатади, наинки, ёруғликдан, ҳаётдаги нурли нарсаларнинг ҳаммасидан ўлгудек қўрқади. Шу сабабдан пана-паналарда юради ва маърифат, маданият, санъатнинг типтиниқ кўлига тўнка орқасидан тош отади. Ана шу иғвогар яна бир жиҳатдан тимсоҳни эслатади. Унинг ялтиришига ишонманг, вужудини заҳар босиб ётибди.

Совет халқи шонли партиямиз раҳбарлигида мардонавор меҳнат қилиб, коммунистик жамиятнинг улуғвор биносини тиклаяпти. Ҳамма ер обод, ҳамма уй фаровон, ҳамма дил улуғ Ленин зиёсидан чароғон.

Ана шундай ажойиб саодатли давримизда учтўртта иғвогар ҳали ҳам кавак-каваклардан заҳил бетини кўрсатиб қўяди. Уларнинг танобини тортиб қўйиш жамоатчиликнинг қўлидан келади, албатта!

Жажжи мамлакат

Дунёда Андорра деган жажжигина тоғ мамлакати бор. Сиз уни дунё картасидан излаб тополмайсиз. Бу мамлакат Испания билан Франция ўртасига жойлашган. Майдони 450 квадрат километр бўлиб, аҳолиси бор-йўғи 6 минг кишига яқин. Пойтахт шаҳар — Андоррада 2 минга яқин киши яшайди.

Андорранинг тўрт йил муддатга сайланадиган ўз парламенти — 24 депутатдан иборат генерал совети бор. Фақат 25 ёшга етган эркакларгина овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳукумат бошлиғи парламент томонидан тайинланади. 1946 йилдан бери Ф. Кейра Андорра ҳукуматига бошчилик қилади.

Яқинда Андорра республикаси ўз ҳарбий бюджетини тасдиқлади. Бу бюджет ўтган йилгидан 60 песет кам қилиб тасдиқланди. Ўнинг 1962 йилда ҳарбий бюджет 25 янги франк миқдорида белгиланди. Андорра генерал советининг аъзолари бу бюджет салютлар учун зарур бўлган ўқ-дориларни сотиб олишга етади, демоқдалар.

Андорра — меҳмонлар мамлакати. У туристлар ҳисобига катта фойда кўради. 1959 йилда мамлакатга 500 мингга яқин турист келиб кетди.

Янги шеърлар

Ойдинда

Ривоят бор халқимизда азалдан,
Агар ҳижрон билан чексанг
фиғон, оҳ,
Ҳабар топмоқ бўлсанг севган
гўзалдан,
Узоқ тунлар ойга ташлагин
нигоҳ.
Шунинг учун ёрга бўлиб
интизор,
Тўлин ойга боқиб-боқиб
тўймасдим.
Аммо сира дилдоримни
кўрмасдим,
Боқар эдим,
Боқар эдим беқарор.
Ёр ёнимда,
Олов олиб дил чўғи,
Ойга яна боқмоқликни
қўймайман.
Гербимизни унда кўриб
тўймайман.
... Акс этади ойдан юртим
довруғи!

САЙЕР.

Она ҳикояси...

«1917 йили Коля ўн саккизда эди. Ўғлимнинг «III Интернационал» Ёшлар союзининг раҳбарларидан, большевиклар партияси ва Қизил гвардия аъзоларидан бири эканлигидан бехабар эдим.

Бир куни у, қаёққадир ошиқиб, қандайдир қоғозларни йиртабошлади. Пайтдан фойдаланиб мен бисотимизда бўлган бор-йўғи бир бурда нонни унинг камзули чўнтагига яшириб қўйдим.

Ўғлим кеттач, уйни супириб-сидираётганимда ҳалиги нонга кўзим тушиб қолди. Нонни қандай қилиб билдирмасдан қолдириб кеттанига ҳайронман.

Ўша бир бурда нонни қўлимга олдим-у, кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди.

Бир вақт уйимизга Колянинг ўртоғи келиб: «Саша хола, Коля ўқ еди, госпиталда ётибди» деб хабар қилди.

Югурганимча госпиталга борсам, ҳамшира: «Ходяковнинг ўлганига бир соат бўлди» деди.

Ўғлимнинг партия ҳужжатларини музейга топширар эканман, ундан сўнгги эсдалик бўлиб қолган ҳалиги бир бурда нонни ҳам бирга қўшиб топширдим...».

Москвадаги Красная Пресня тарих-революция музейида ана шу бир бурда қотган нон ҳали ҳам экспонат сифатида сақланмоқда.

Роза Пекташева Тошкент консерваториясининг оркестр факультетини 1953 йил арфа класси бўйича муваффақиятли тугаллади. Талантли ёш музикант ҳозир Алишер Навоий номли опера ва балет театри оркестрида арфа билан жозибали куйлар чалади. Суратда: ўртоқ Р. Пекташева.

А. Абалян фотоси.

БИЛАСИЗМИ?

МОСКВАДА ҚОҚ ПЕШИН БЎЛГАНИДА:

Ленинград, Вильнюс, Киев, Кишинев, Минск, Петрозаводск, Рига ва Таллинда ҳам пешин пайти бўлади.

Боку, Ереван, Тбилисида эса — соат 13; Ашхабод, Свердловск ва Челябинскда — 14; Олмаота, Омск, Душанба, Тошкент ва Фрунзеда — 15, Новосибирск, Томск, Улан-Батор ва Ханойда — 16; Иркутск, Улан-Уде ва Пекинда — 17; Якутск, Пхеньян ва Токиода — 18; Владивосток ва Хабаровскда — 19; Охотск, Магадан ва Курил ороллари да — 20; Петропавловск-Камчаткада — 21; Анадир ва Чукоткада — 22; Сан-Францискода — 1; Вашингтон ва Нью-Йоркда — 4; Лондон, Мадрид ва Парижда — 9; Берлин, Белград, Будапешт, Варшава, Вена, Прага ва Римда—10; Бухарест, София ва Хельсинкида — 11 бўлади.

ОАТИ ЁШЛИ РУБОБЧИ

6-синф ўқувчиси Исмоилжон Алиев ёқимли куйлар чалиб, тамошабинларни қойил қолдирди. Бироқ, кейинги номерлар олдида унинг ҳунари ип ешолмай қолди.

— Навбат Исмоилжоннинг укаси 6 ёшли Маҳмуджон Алиевга! — Тамошабинлар бу гапга ишонмай ҳайрон бўлиб ўтирдилар. Саҳнага бўйи рубоби билан баравар Маҳмуджон кириб келди. Залдагилар гур этиб ўрниларидан турдилар. Одамлар рубобчининг 6 ёшда эканига ишонган бўлсаларда, унинг кишн ҳузур қиладиган куй чалишига кўзлари етмасди.

Маҳмуджон рубоб торларига қўл урди. Йўқ, одамларнинг тахмини ўринсиз экан. «Янги тановар» барала янграб, ҳаммани эритиб юборди. Унинг кетидан «Дутор баёти», «Жонон» куйлари чалинди. Маданият уйи қатнашчилари концертида ҳаммани таажжубда қолдирган бу музикант «Октябрь» колхозининг аъзоси Рахимжон ака Алиевнинг ўғлидир.

С. Султонов,
Гулистон райони.

БАХТ КЕЛТИРГАН КОНВЕРТ

Эргаш ака сменасини топшириб, уйга чоғланиб турган эди, почтальон хат тутқазиб қолди. У ҳаворанг конверт устидаги ёзувни ўқиди: «Тошкент область, Бўка райони, Ленинский пахта тайёрлаш пункти, Ғозиев Эргашга. Бухоро область Навоий райони, «Норпой» совхози. Дўстмуродоза Ҳалимадан». Хат Эргаш акани ўйлатиб қўйди. Кимдан келдийкин? Бухорода таниш-билиши йўқ, адашганмикан-а? Ундай деса, адрес жуда аниқ ёзилган-ку!

У хатни очиб ўқий бошлади: «Дадажон! Бу хатни Сизга қизларингиз Ҳалима ва Омон-ойлар ёзишаяпти» — деб бошланган эди мактуб. Эргаш ака ўзини йўқотиб қўяёзди, кўзларига ишонмай, яна ўқий бошлади. Унда қизлари ўз оталарини топиш учун узоқ излаганликлари, ниҳоят Москва справкалар бюросидан ушбу адресни олганликлари ҳақида ёзган эдилар. Хатнинг сўнгида: «Жавоб хатингизни зориқиб кутаётирмиз. Сиздан хат келган чоғиёқ ҳузурингизга қанот қоқамиз» деб ёзилган эди.

Шу лаҳзада яқин ўтмиш Эргаш акانинг кўз ўнгида кино лентасидай ўта бошлади....

...1938 йил. У, Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битириб, Самарқанд областнинг Пахтакор районига агроном бўлиб борди, уйланди, қиз кўришди, отини Ҳалима қўйишди.

...1939 йил. Совет Армияси сафига жўнади. Сал ўтмай яна бир қиз кўрганлиги ҳақида хотинидан хат олди.

...1941 йил. Даҳшатли уруш. Қанчадан-қанча кишиларнинг ёстиғини қуритган, кўпларни ота-онасидан, қариндош-уруғидан, севган ёрндан жудо қилган ўша мудҳиш уруш йиллари. Бу уруш Эргаш акانинг ҳам тинч ҳаётига раҳна солди, уни оиласидан жудо қилди. Уруш тугагач, Эргаш ака Самарқандга қайтди. Бироқ оиласини тополмади. Таниш-билишлар Эргашдан қора хат келганлигини, хотини Авархон турмушга чиқиб, қаёққадир кўчиб кетганлигини айтишди.

Эргаш хотини, фарзандларини топишдан ноумид бўлиб, туғилиб-ўсган жойи Бўка районига келди, тинч ижодий меҳнат билан шуғуллана бошлади. Мана, бир неча йилдирки, у пахта пунктида ишлайди. Шу ерда уйланди, уч фарзанд кўрди.

Мана, энди бир вақтлар умидини узган қизларидан дарак топиб турибди. Севинчдан Эргаш акانинг кўзларига ёш келди, оталик ҳисси жўш уриб, орзу-умидлари янгидан қанотланди. Шу қанот уни Бухорога учириб борди. Эргаш ака қизлари ҳузурида ўн кунча меҳмон бўлиб қайтди.

У қизларининг турмуши ҳақида қисқа сўзлаб берди. Иккаласи ҳам ўрта мактабни тугатишибди. совхозда ишлашаркан, ўтган йили илғор теримчи сифатида донг чиқаришибди. Куёвлари ҳам шу совхозда ишлашаркан: бири механизатор, бири табелчи экан. Давлат ҳар икки оилага қулай шароитга эга бўлган тўрт хоналик квартира берибди.

— Партияга, ҳукуматимизга раҳмат... — ҳаяжонланганидан у гапининг давомини айтолмади Бироқ унинг қалбида қизларини кўз қорачиғидай асраб, тарбиялаб, вояга етказган халққа, партия ва ҳукуматга чексиз миннатдорчилик туйғулари мавж ураётганини пайқаш қийин эмас эди.

Т. МИРҲОДИЕВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

УРТҮҚЛИК

ИЎҚОЛСИН ХУРОФОТ!

ФАЛОНЧИНИКИДА ИФТОРЛИКМИШ...

Аббос Хўжаметовларнинг хонадонида бир неча кундирки, келди-кетдининг кети тугамайди. 60 кириб, 50 ги чиқиб турибди. Кишилар кираётганларида қовоқларини солинтириб кирсалар, чиқаётганларида чақчақлашиб, тишларини кавлашиб чиқишмоқда. Кутиб олувчиларни айтмайсизми, бай-бай-бай... Ҳеч ҳам таърифлаб бўлмайди-я! Бировнинг бошида саватдек салла, бировнинг бошида мовут шляпа... Ҳаммасининг қўли қўксида: «хуш кўрдигу, хуш кўрдик», ғоҳ эгилиб, ғоҳ чўзилиб туришибди.

Ичкарида пазандалар ҳам шошиб қолишган. Бирови бошини тандирга тиқиб, пуф-пуфлаб сомса ёпса, бошқаси енгини тирсагигача шимариб, ўти ўчиб қолган папиросини сўра-сўра масаллиқ ағдаради. Самоварчи бола ҳам бўш келмайди: «чойлар готов» деб югириб юрибди.

— Ош тортилсин! — фармон берди Аббос Хўжаметов. Унинг акаукалари бўлмиш парфюмерия складининг омборчиси Аҳмадқори Хўжаметов, 221-дорихона бошқарувчиси Аҳаджон Хўжаметовлар ўзларига қарашли йигитларга мўйлов қилиб қўйишди: ош сузилган лаганлар ҳаракатга тушиб қолди.

Кишилар ўртасида эса муҳокама, тортишув бир нафас бўлсин тўхтамайди. Ҳар ким ҳам ўз билганини ўртага ташлайди:

— Узларим роса бойиб кетишган экан-да!

— Афсонавий Хорун бойнинг ўзи деявер.

— Биргина грунчнинг ўзидан [illegible] килограмм дамлашди-я... 40 [illegible]грамм ширинлик, бу оғайни, [illegible] осон!

[illegible]он аптекада, бири склад[illegible] чаккига ўхшамайди, [illegible]танглар. Бу ўзи [illegible]етовларнинг да[illegible]зами?

— Тўй,— дейди биттаси.

— Аза, — дейди бошқаси.

Хуллас кишилар бир фикрга кела олмайдилар. Ичкаридаги ясоғлик уйда Қори ҳазратлари пар ёстиқларга ёстаниб ётирибдилар. Ҳазратим кундузи тўйма-тўй, кечаси хатми қуръонга юрабериб толиқиб қолганлар. Овоз ҳам қисир—бўғоз: ғоҳ кучайиб, ғоҳ пасайиб турибди. Хуллас ҳазратимнинг қайси волнада қироат қилаётганликларини ҳеч тушуниб бўлмайди.

Доктор болам! — дедилар қори қироатдан тўхтаб.

— Лаббай тақсир,— деди Аббосхон Хўжаметов.

— Рентгенда ишлайсиз деб эшитдим...

— Шундай тақсир, рентгенологман.

— Қорнимни бир кўриб қўй сангиз.

— Қуллик тақсир.

— Дарс ҳам берасиз деб эшитдим.

— Шундай тақсир. ТашМИда дарс ҳам бераман.

— Менинг бир дардисар жияним бор, — дедилар ҳазрати қори, — ўшани ТашМИга имтиҳонсиз ўтказиб қўйсангиз. Дуогўйингиз бўлардик.

— Қуллиқ тақсир, қуллиқ.

— Энди менга берадиганингизни беринг! — деб қори ўриниларидан турдилар. Аббосхон Хўжаметов қорига бериладиган 30 сўм пулни алоҳида ажратиб қоғозга ўраб қўйган эди. Ўшани секингина узатиб:

— Оз бўлса ҳам кўп ўрнида кўрадиларда! — деб қўйди.

Кечга томон Хризантема ҳалқаси кўчасидаги 39-уйда 3 кечаю 3 кундуз давом этган дабдабанинг кети тугаб, қозонлар тўнтарилди, ўчоқлар кўмилди. ТашМИнинг рентгенологи Аббосхон Хўжаметов эртасига яна ҳеч нарса бўлмагандек ўз ишига берилиб кетди. Кафедрадан туриб ўз студентларига рўзанинг зарари ҳақида, бидъатларга берилиш ярамас одат эканлиги тўғрисида 7 кун лекция ўқиди. 8-нчи куни маҳалладаги ўз яқинларини чақириб: «яна хатми қуръон қилдираман!» деб қолди.

— Ҳой-ҳой, ўпкани босинг, — дейишди маҳалладагилар. — Бунчалик ҳовлиқиш ярамайди.

Семизликни қўй кўтаради деганлари рост экан. Ошиб-тошиб кетган Аббосхон Хўжаметов ўзини босаолмади. Калинин район прокурорининг ёрдамчиси К. Жалилов билан ким катта хатми қуръон қилдиришга бахс бойлашиб қолган экан. Уникидан зўрроқ қилиб бошлаб юборди. Бу гал докторнинг катта кетишидан қўрқиб аввалги қорилар хатми қуръонга келишмади. Бундан аччиғланиб тўнини тескари кийиб олган доктор аллақаердан соатбай қилиб домла ёллаб келди. Худди шу куни икки катта хонадонда тонг отгунча «Илоё омин» бўлиб чиқди. Жалилов ҳам бўш келмади. Агар докторникидан хатми қуръоним сал кичкина бўлса қулоғимни кесаман: деб қасам ичиб қўйган экан, маҳаллага чиқиб.

— Ёши-қари бизникига, ифторликка! — деб туриб олди.

— Ичкилик ҳам бўладими, — деб ҳазил қилишди унга.

— Ўйлаб кўрамиз, — деди прокурор ёрдамчиси.

Хуллас, шу кеча-кундузда Октябрь районида Хўжаметовларнинг, Калинин районида прокурор ёрдамчисининг хатми-қуръони оғизга тушиб, кимсан фалончи зўр ифторлик қилдирибди, ичкилиги ҳам бўлибди, деган миш-миш гаплар бўлаяпти.

О. ҚАЮМОВ,
В. САЛИМОВ.

ҲАЙФ СЕНГА!

Тангриберган Бекбулатовни кишилар нима учундир фоксчи деб аташарди. Бу дигитнинг ўзи Тошкентдаги совутиш установкалари машинистларини тайёрлаш курсида ўқиёди. Пак Пётр билан бир хонада туришади. Тунов куни Пакнинг номига нима бўлди-ю, 100 сўм пул келиб қолди. Буни кўрган Тангриберган ўзини йўқотиб қўйди. Почтальондан квитанцияни қабул қилиб оларкан:

— Мен Пак бўламан, — деб қасам ичди.

— Ростдан-а?

— Рост. Дадам корейс бўлган...

Соддадил почтальон квитанцияни қолдириб кетди. Тангриберган шошилиб ичкарига кирди ва ҳеч нарсадан хабарсиз донг қотиб ухлаб ётган Пакнинг чўнтагига қўл солиб паспортини олди-да, почтага қараб югурди. Кассир Анна Моисеевна Ильинична ҳам ишонқирамай «Фамилиянгиз сал бошқачароқми?» деб сўради. Бунақанги қалтис «операция»ларни бажаравериб уста бўлиб қолган Бекбулатов:

— Мумкин бўлса, — деб дўқ ура бошлади. — Келувчиларнинг таржимаи ҳоли суриштирилмаса.

Анна Моисеевна ҳам нари-бери қилиб ўтирмасдан йигитга пулни узатиб қўяқолди. Бекбулатов ўнга қайтиб, паспортни яна Пакнинг чўнтагига солиб қўйди.

Орадан бир неча кун ўтгач сир очилиб, Бекбулатов қўлга тушди.

— Дўстингни алдагани уялмадингми? — деб сўради терговчи ундан.

— Мен унинг пулини ҳазиллашиб олган эдим, — деди Бекбулатов тилёгламалик қилиб.

Хуллас бу йигитни илгари ҳамма фоксчи деб атарди. Ана шу воқеадан сўнг қаллоб деб атайдиган бўлишди.

Т. МИРЗОКИРОВ.

ОШПАЗМАН

(Ҳазил қўшиқ)

Тутин чиқмас газ олов
Пиширар кунжит палов,
Нуқул девзира гуруч
Зира, пиёз ва муруч —
Ҳунарга бой ошпазман.
Капкир чўмич ёнбошда
Кўзим дам еган ошда
Қазн-қартаси ёғлиқ
Тўқчилик вақти чоғлик
Шўх, эркатой ошпазман.

Қари еса ёш бўлди
Олинг-э мулла Султон
Луқмаси жонга дармон
Келтирай чой ошпазман.
Лиқ тўла норин товоқ
Кўп ҳузур қилар томоқ.
Юртимизда ишлар соз
Еганимиз ўрдак-гоз
Ичганим мой ошпазман.

Акмал ПУЛАТ.

Тошкентдаги соғлиқни сақлаш ва медицина тарихи институти жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларидан медицина тарихига онд ахборотлар олиб туради.

Суратда: институт ахборот бўлимининг таржимонлари (чапдан) О. Жўраева ва Г. Вижжнева ўртоқлар Женева ва Копенгагендан олинган хатлар билан танишмоқдалар.

Ш. Исроилов фотоси.

МАСАЛЛАР

МУСИЧА

Мусичадан сўрадилар:

— Нима ёзаяпсан?

— Диссертация, — деб жавоб берипти у.

— Қайси соҳадан?

— Тил-адабиёт соҳасидан.

— Диссертациянинг темаси нима?

— «Аччиқ-чучукми ёки чучук-аччиқми».

ВАЪДА ВА ВАФО

Вафо ваъдани қидиравериб чарчади, ахири уни учратиб:

—Менга қатъий жавоб бергин, энди яна қачон учрашамиз, — деб сўради.

— Келгуси йилда, — деди ваъда.

В. Ансорий.

Телевизор

4 МАРТДА

Рус тилида: 12.00 — Физкультура билан шуғулланинг, 12.20 — Инглиз тили дарси, 13.00 — Бизнинг Пинскда (телеочерк).

Ўзбек тилида: 13.10 — «Кобра операцияси (номли бадиий фильм).

Рус тилида: 18.00 — Ҳамма нарсани билишни истайман (болалар учун) киножурнал), 18.15 — Спорт кундалиги, 18.35 — Концерт (Самарқанд шаҳар темир йўлчилар клуби бадиий ҳаваскорлари ижросида), 19.05 — Телевизион янгиликлар, 19.20 — Кунимнг янгиликлари (киножурнал), 19.30 — Гийбат уяси (фильм-спектакль, 2-серия).

Ўзбек тилида: 20.35 — Телевизион янгиликлар, 20.50 — Қишлоқ хўжалик фильмлари фестивали (КПСС Марказий Комитети Пленуми шарафига), 21.10—Ўзбек музикали драмаларидан ария ва дуэтлар.

5 МАРТДА

Ўзбек ва рус тилида: 18.30 — Телевизион янгиликлар (КПСС Марказий Комитети Пленуми очилишига бағишланган махсус сони).

Рус тилида: 18.45 — Қизларнинг бирида Скверда (болалар учун телеочерк), 18.55— Здоровье (телевизион журнали), 19.35 — Телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 19.50 — Рассом В. А. Фаворский (Ленин мукофотига тақдим этилган асарлар циклидан), 20.10 — Телевизион янгиликлар, 20.20 — Мўл-кўлчилик учун (қишлоқ хўжалик ходимларига), 20.50 — Қишлоқ қурилишида грунто-бетон (илмий-оммабоп фильм).

Рус тилида: 21.10 — Оддий воқеа номли бадиий фильм.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/III да эрталаб **Этик кийган Мушук**, кечқурун **Травиата**, 5/III да **Концерт**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/III да эрталаб **Имон**, кечқурун **Гамлет**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/III да эрталаб **Ғазал фожиаси**, кечқурун **катта концерт**, 5/III да **Тошболта ошиқ**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Я. Д. Бреслер** раҳбарлигидаги лўли артистларининг ва **А. Симадо** бошчилигидаги дорбозларнинг ҳайрлашув гастроллари. Бугун уч марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

Кино

Она-Ҳиндистон (1 ва 2-серия)— «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», (кундуз ва кечқурун).

Дмитро Горицвит — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Диканька қишлоғи кечалари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 11, кундуз 2-10 минут, 3-40 минут, кеч 5 ва 8 да), «СПУТНИК» (кундуз 12, 2, 4, кеч 6, 7 ярим, 9 ва 10 яримда).

1. **Инсон қони-сув эмас.** 2. **Дмитро Горицвит** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 9-15 минутда).

Ўзбек давлат филармонияси
ЭСТРАДА ТЕАТРИ БИНОСИДА
4 мартда
мактаб музика абонементи бўйича 4, 5, 6-синф ўқувчилари учун кундуз соат 1 яримда «Ота-оналаримиз учун» деган темада: (8-март кунига бағишланган).

СУҲБАТЛИ КОНЦЕРТ

СССР халқ артисти Саодат Қобилова ва Октябрь район мактабларн эълочилари иштирок этади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808, 31936. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 25888. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор —26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 04880. Нашр. Г. — 1541.